БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН • № 170 (18.048). • 23 июль 1981 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

ҚИШЛОҚДА ТУРМУШ МАДАНИЯТИ

Совет халқи партиямиз XXVI съезди қарорларини амалга оширишда учун ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилмоқда. Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақага қўшилиб, ижодкорлик ва омилкорлик билан меҳнат қилаётган кишиларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, уларнинг самарали меҳнат қилишлари, яхши дам олишлари учун барча шарт-шароитни яратиб бериш партия ва совет ташкилотларининг ҳамиша диққат марказида турибди.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги асосий тафовутларни тугатиш, қишлоқда турмуш шароитини шаҳар меҳнаткашлари турмуш шароитига яқинлаштириш КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларидан келиб чиқадиган асосий вазифалардан биридир. Кейинги йилларда турмуш маданиятини юксалтириш, хутор типидаги қишлоқларни тугатиш ҳамда колхоз ва совхозларда замонавий қулайликларга эга бўлган обод поселкалар қуриш юзасидан жуда кўп иш қилинди. Боғот районидаги Нариманов номли, Янгийўл районидаги «Ленинизм», Коммунистик районидаги «Политотдел» ва Свердлов номли колхозларнинг замонавий поселкалари қишлоқ қурилиши учун эталон бўлиб колди. Бу колхозларнинг поселкаларида меҳнаткашларнинг ҳамма эҳтиёжларини тўла ҳисобга олган ҳолда замонавий уйлар қурилган. Шу билан бирга аҳолига маданий хизмат кўрсатувчи кинотеатрлар, клублар, кутубхоналар ва бошқа маданий оқартув муассасалари, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, замонавий мактаблар, болалар боғча ва яслилари, поликлиникалар, шифохоналар қурилган бўлиб, аслини олганда бу поселкалар замонавий агрошаҳарчадир.

Колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари қишлоқ қурилишини тезлаштириш, маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш билан бирга турмуш маданиятини юксалтириш юзасидан белгиланган тадбирларни изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Клубларда, маданият саройларида бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида, бошқа ижодий тўгараклар ва секциялар иш олиб бормоқда.

Турмуш маданиятини юксалтириш совет кишиларида коммунистик эътиқодни тарбиялашнинг, меҳнаткашлар дунёқарашини шакллантиришнинг асосий омилларидан биридир. Шунинг учун ҳам меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг ажралмас қисми бўлиб қолаётган турмуш маданиятини юксалтириш масалалари ҳамиша партия ташкилотларининг диққат-эътиборида бўлмоғи керак.

Аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш республика кенгаши шаҳарларда, районларда, айниқса қишлоқ жойларда турмуш маданиятини ошириш юзасидан жуда кўп иш қилмоқда. Бу кенгашнинг тавсияларини изчиллик билан амалга ошириш меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада юксалтиришга, уларнинг ижодий, баракали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитни яратиб беришга хизмат қилади.

Аҳоли турмуш маданиятини ошириш республика кенгаши тавсияларига мувофиқ ҳамда илғор колхоз ва совхозларнинг тажрибаси ҳисобга олиниб, колхоз правлениелари раислари, совхоз директорларининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари лавозими таъсис этилди. Эндиликда кўпгина колхоз ва совхозларда меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиш, меҳнат аҳлига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш ишларини яхшилаш, болалар боғча ва яслилари тармоғини кенгайтириш каби турмуш маданиятини юксалтириш билан боғлиқ бўлган муҳим масалаларга эътибор янада кучайтирилди. Бу ишларга колхоз раисларининг ва совхоз директорларининг ўринбосарлари бошчилик қилмоқдалар.

Қишлоқларимизда маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг тез юксалиши уларнинг фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришни тақозо этди. Колхоз раислари ва совхоз директорларининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосарлари лавозимининг таъсис этилиши қишлоқ жойларида маданий-маиший комплексларни бошқаришни янада яхшилаш, қишлоқда турмушни қайта қуриш проблемаларини тез ва малакали ҳал этиш имконини бермоқда. Ҳозирги вақтда бу соҳада жойларда анча тажриба орттирилди. Бинобарин, маданий-маиший комплексларга раҳбарликни такомиллаштиришдаги илғор тажрибаларни оммалаштириш партия ташкилотларининг, маҳаллий Советларнинг диққат эътиборида бўлмоғи керак.

Ҳозирги вақтда республика колхоз ва совхозларида 612 маиший хизмат уйи, 1958 комплекс қабул пунктлари, 11 мингдан ортиқ устахоналар, мингдан ортиқ ҳаммомлар ишлаб турибди. Наманган ва Фарғона областларида қишлоқ меҳнаткашларига маиший хизмат кўрсатишни ташкил этишнинг янги формалари жорий этилди ва бу ижобий самара бермоқда. Бироқ Наманган ва Фарғона областларида қишлоқ меҳнаткашларига маиший хизмат кўрсатишни ташкил этишдаги илғор тажрибалар бошқа областларда анча сусткашлик билан жорий этилмоқда. Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги илғор тажрибаларни кенг жорий этиш чораларини кўриши керак.

Айниқса хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, маиший хизмат корхоналарини замонавий, юксак унумли ускуналар билан жиҳозлаш, қўл меҳнати салмоғини камайтириш сира кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир.

Кейинги йилларда қишлоқ жойларда аҳолига савдо хизмати кўрсатиш сезиларли даражада яхшиланди. Савдонинг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди. Қишлоқларда замонавий магазинлар, ошхоналар, кафелар қад кўтарди. Матлубот жамиятларининг замонавий савдо корхоналари қишлоқлар жамолини очмоқда ва шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги асосий тафовутларни тугатишда муҳим роль ўйнамоқда.

Бироқ аҳолига маиший ва савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш учун ҳали ишга солинмаган резервлар жуда кўп. Хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини янада ривожлантириш маҳаллий Советлар халқ депутатлари ва айниқса доимий комиссиялар фаолиятида асосий ўрин олмоғи лозим. Чунки турмуш маданиятининг юксалиши, фаровонликнинг ортиши, меҳнаткашлар учун ҳамма қулайликларнинг яратилиши пировард натижада экономикани юксалтиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилиб, ўз самарасини беради.

Меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш билан бирга кишилар онгидаги эскилик қарқиндиларини тугатиш, совет турмуш тарзига ёт бўлган баъзи анъаналар ва урф-одатларни, улар келтирадиган моддий ва маънавий зарарни кенг тушунтириш партия ташкилотларининг муҳим ишидир. Шу билан бирга янги маросимларни, прогрессив анъаналарни жорий этиш учун собиқадамлик билан кураш олиб бормоқ керак.

Юксак турмуш маданияти учун кураш совет кишилари моддий фаровонлиги ва маънавий юксалиши учун курашнинг узвий қисмидир. Бинобарин, турмуш маданиятини юксалтиришнинг муҳим масалалари маҳаллий Советлар сессияларида, ижроия комиталарида муҳокама қилиниши, қабул қилинган қарорларнинг ижроси мунтазам текшириб борилиши керак. Бу ишда маҳаллий Советлар доимий комиссиялари, депутатлар, жамоат ташкилотлари ҳал қилувчи роль ўйнашлари мумкин. Депутат группалари фаолиятида ҳам меҳнат аҳлининг турмуш шароитини яхшилаш масалалари алоҳида ўрин тутмоғи лозим.

Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари ўз фаолиятларининг ана шу томонларини янада кучайтиришлари, КПСС XXVI съезди қарорларини қаётга янада кенг жорий этиб, фаровон қаётимизнинг янада бой ва сермазмун бўлиши учун ҳамма чораларни кўришлари керак.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

● ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРИНГ, ҚАТОР ОРАЛАРИНИ ҲАМИША ЮМШОҚ САҚЛАНГ. ШУНДА НАМ ОРТИҚЧА БУҒЛАНМАЙДИ, СИЗОТ СУВ ҚУТАРИЛМАЙДИ, ТУЗ ТУПЛАНМАЙДИ. ҲОСИЛ НИШОНАЛАРИ КУПАЯДИ.

● АЙРИМ ЖОЙЛАРДА ТУРЛИ ҲАШАРОТЛАР, АЙНИҚСА, КУСАК ҚУРТИ ПАЙДО БЎЛЯПТИ. БИОЛОГИК, ХИМИЯВИЙ УСУЛЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИБ, УЛАРНИ ҚИРИБ ТАШЛАНГ, ҚАЙТА ПАЙДО БЎЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

● ЧЕКАНКАНИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ЎТКАЗИНГ. ЗАРУР ТОПИЛГАН ЖОЙЛАРДА ТАКРОР ЧЕКАНКА ЎТКАЗИШНИ УНУТМАНГ!

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Ленин йўли районидаги Ленин номли совхоз пахтакорлари бу йил 4600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 35 ўрнига 42 центнердан ингичка толали пахта етиштиришга сўз бердилар. Шу кунларда хўжалик далаларида мўл ҳосил учун кураш қизғин давом этмоқда. Совхозда ғўзани чеканка қилишга киришилди. Суратларда: 1. Пешқадам механизатор Зиёдулла Ғафуров. 2. Ғўза машиналарда чеканка қилинмоқда.

И. Хўжаев фотоси. (ЎзТАГ).

САМАРАЛИ УСУЛ

Пахтачи районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Коммунизм» колхозининг деҳқонлари ҳар йили пахтадан мўл ҳосил етиштириб, она-Ватанни хурсанд қилаётирлар. Агротехника қоидаларига, илғор тажриба ва кексе пахтакорлар маслаҳатларига қаттиқ амал қилинаётгани, қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши курашда биологик усулдан кенг фойдаланиб келинаётганлиги натижасида бунга эришилаётир.

Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шамси Назаров суҳбатда бундай деди:

— Биз 1975 йилдан буён ғўза зараркунандаларига қарши биологик курашни жорий этяпмиз. Биологик кураш усулининг афзалликлари шундан иборатки, у теварак-атроф муҳит учун ҳам, фойдали ҳашаротлар ва экининг ривожланиши учун ҳам мутлақо зарарсиздир. Шу усулга ўтганимиздан буён пахта ҳосилдорлиги сира камайгани йўқ. Ҳар йили гектаридан 47—48 центнердан пахта топширяпмиз.

Агроном-энтомолог Бобонор Ашуров бошлиқ лабораторияда ғўза зараркунандаларини йўқотадиган фойдали ҳашаротлар кўпайтириляпти. Колхоздаги 16 та пахтачилик бригадасига махсус назоратчилар тайинланган. Улар зararли ҳашарот белгиси пайдо бўлиши биланоқ лабораториягa хабар етказадилар. Махсус отряд аъзолари бундай ғўза пайкалларига фойдали ҳашарот — трихограмма қўядилар. Шу йўл билан ҳосил душманларига кирон келтирилади.

— Биз уч марта биологик усул билан қишлоқ хўжалик экиндари зараркунандаларига қарши курашни қўллаймиз. Ўтган йили биологик усул билан ғўза зараркунандаларига қарши курашда бир гектар ерга фақат 7 сўм 20 тийин сарфладик. Бу қулай, фойдали усулни қўлламаган қўшни хўжаликларда бу сарф 40—50 сўмни ташкил этди, — дейди Б. Ашуров.

Ордепли «Коммунизм» колхози деҳқонлари ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида 1772 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар. Биологик усул билан кураш отрядларининг аъзолари зараркунандалар билан курашни бир минут ҳам сусайтирмаётирлар.

Она-Ватанга гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштириб бериш катта меҳнат талаб қилади, албатта. Далаларда 156 сувчи, 80 механизатор ғайрат билан меҳнат қилаётир.

Б. ИМОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

ЗАРБДОР 100 КУНЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

МЎЛ ҲОСИЛНИ КЎЗЛАБ

Толлимаржон районидаги «Самарқанд» совхози пахтакорлари зарбдор 100 кунликка актив қўшилиб, табиат қийинчиликларини мардонавор меҳнат билан енгган ҳолда ғўзанинг ривожланишини тезлаштирмоқдалар.

Республикамиз қишлоқ меҳнаткашлари қатори бизнинг қўриқ Толлимаржон райони ва совхозимиз пахтакорлари КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини қаётга татбиқ эта бориб, пахтадан катта хирмон қратишга аҳд қилганлар.

Бу йил пахтакор учун ниҳоятда машаққатли йил бўляпти. Апрель ҳам, май ҳам деҳқонга кўп қийинчиликлар келтирди. Қолаверса, июнь ойида ҳам об-ҳаво экинлар учун ноқулай келди. Тез-тез бўлиб турган жала, кучли шамоллар ғўза ривожига тўсқинлик қилди. Чўлда қарорат ҳар йилгидан 30—40 процент кам бўлди. Натижада кўп ерларни бегона ўт босди. Бу ғўзанинг бир текис ривожланишига тўсқинлик қилди.

Хўш, шундай экан, биз ўсимликнинг ҳосилбор бўлиб ўсиши учун қандай агротехник тадбирларни амалга оширяпмиз? Авваламбор совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти дала ишларини уюшқоқлик билан ташкил этди. Мавжуд 2800 гектар ердаги экиннинг (шундан 1 минг гектари ингичка толали пахта) бир текис ривожланишини таъминлашни асосий вазифа қилиб олдик. Ўсишдан орқада колган ғўзалар парваришни алоҳида ташкил этилди. Бундай ғўза майдонлари тупроққа сув, ҳаво режимлари яхшиланди. Биргина июль ойининг ўзида барча майдонларда ўсимликка 2—2.5 марта комплекс ишлов берилди. Бундан тупроқ юзаси максимал қизиди. Ғўза ривожига нафи тегди.

Қашқадарё область партия комитети ва область Совети ижроия комитети яқинда биз, пахтакорларга мурожаат қилиб, зарбдор юз кунликда актив иштирок этишга, ғўза парваришини авж олдиришга чорлади. Даъватномада қишлоқ хўжалик мутахассисларидан тортиб механизаторнинг ҳам, сувчининг ҳам, ҳуллас, барча пахтакорларнинг конкрет вазифалари белгилаб берилди. Дарҳақиқат, бу йилги ҳосил тақдирини сувчи билан механизатор ҳал этади. Мўл ҳосил салмоғи уларнинг пок виждон билан ҳалол меҳнат қилишига боғлиқ.

Ҳозир барча бўлим ва бригадаларимизда 58 та чопиқ трактори ишлатилмоқда. Механизаторларимиз ғўза қатор оораларига ишлов бериш давомида тупроқни майин қилишга асосий эътиборни қаратмоқдалар. Пайкалларда тупроқ ҳолати, бегона ўтларнинг оз-кўплигига қараб культиваторларнинг ишчи органларидан тўлиқ фойдаланямиз. Қатор ораларига ишлов беришда Алиқул Нурмоқов, Қурбон Норов, Менгли Пардаев бошлиқ 50 центнерчи бригадаларнинг азаматлари намуна кўрсатишмоқда.

Маълумки, экин қатор оралари қанчалик яхши юмшатилса, ғўза шунчалик тез ривожланади. Албатта, бу дала гвардиячилари зиммасига улкан масъулият юклайди. Буни чуқур англаган моҳир механизаторларимиздан Ўрол Норов, Ҳасан Кўлдиев, Ниёз Қудратов, Турсун Бобоёров, Худойназар Каримов кабилар кунига 8-9 гектар ердаги ғўза қатор оораларини 22—25 сантиметр чуқурликда юмшатяпти-лар.

Биз ғўзани мириқтириб суғоришдан сўнг ишлов беришга алоҳида эътибор бераяпмиз. Ишлов беришда тупроқ ҳолати ҳисобга олинаяпти. Маълумки, суғоришдан кейин культивация вақтида қилинмаса илдиз системаси зарарланиши мумкин. Шунга кўра ҳар бир ишни ўз вақтида сифатли амалга оширган маъқул. Биз шунга катъий амал қиляпмиз.

Совхозимизнинг барча майдонлари ғўзасига июль ойида икки марта обиҳаёт таралди. Ғўзани суғориш ниҳоятда қийин иш. Бу мураккаб ишни биз 350 нафар мириқтор сувчига топширганмиз. Улар ғўзани суғоришда тупроқ шароитига, сизот сувларининг юза ёки чуқур жойлашувига қараб оқилона иш тутмоқдалар. Ҳар бир кубометр сув ҳисобда. Бекорга оқишига йўл қўйилмаяпти.

Хўжалигимизда сувчилар иши группа усулида ташкил этилган. Бу сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш имконини бермоқда. Бу борада Баҳром Қаҳҳоров, Болта Норов бошлиқ бўлимларда, Сероб Раҳмонов, Рўҳсат Худойназарова, Тоғаймурод Равшанов, Суюн Мейлиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ибратли ишлар қилинмоқда. Мазкур коллективларда ғўзани суғориш ўз вақтида сифатли амалга оширилаётир. Исмоил Менглиев, Қувон Аноров, Жуманазар Мирзаев, Холмурод Исмонов, Мансур Холбоев сингари кўплаб мириқтор сувчилар кунига 2—2.5 гектар ердаги экинни қондириб суғормоқдалар.

Бу йилги об-ҳаво қийин келган шароитда ғўзани минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириш муҳим аҳамиятга эга. Айни шу кунларда биз ғўзани қўй қийи, азот ва калий билан озиқлантиришга жиддий эътибор берямиз. Чунки бу ғўзада шона, гул ва кўсакларни кўпайтиришга хизмат қилянти.

Ҳар гектар ерга 10—12 тоннадан қўй қийи солиняпти. Бунинг учун ҳамма бригадаларимизда органик ўғит тўпловчи махсус зарбдор отрядлар ишлаб турибди. Шу билан бирга, ҳамма жойда бегона ўтларга, зararли ҳашаротларга қарши курашни кучайтирямиз.

Азамат деҳқонларимиз съездлар йилида ҳар гектар ердан 30 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олганлар. Бундай юксак маррани эгаллаш учун бизда тўла имкониятлар бор. Шу кунларда меҳнатимизнинг дастлабки самарасини кўриб қувонямиз. Барча майдонлардаги ғўзалар баравж ривожланмоқда. Бир текис гуллаган ғўзаларда кўсаклар тобора кўпаймоқда.

М. БАДАЛОВ,
Қашқадарё область Толлимаржон районидаги «Самарқанд» совхози директори.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев ва Н. А. Тихонов ўртоқлар Польша Халқ Республикасининг 37 йиллиги муносабати билан ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Станислав Каняга, ПХР Давлат Кенгашининг Раиси Генрик Яблоньскийга, ПХР Министрлар Советининг Раиси Войцех Ярузельскийга табрик телеграммалар йўлладилар.

Телеграммада бундай дейилади:

«Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабаларнинг совет ва поляк халқларининг умумий душманга қарши биргаликда олиб борган курашида қозонган ғалабаси Польшанинг миллий тикланиши учун қудратли омил бўлди. Поляк халқи ПБИП раҳбарлигида Совет Иттифоқи билан ва бошқа қардош мамлакатлар билан мустаҳкам ҳамкорликда иккинчи жаҳон урушининг вайронгарчилик келтирган оқибатларини бартараф қилиб, социализм қуриш йўлига қатъий ўтиб олди. Социализм халқ Польшасига меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб, экономика, фан ва маданиятни ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб берди.

Социализм Польша давлатини чинакам мустақил давлатга айлантирди, бу давлат чегаралари даҳлсизлигининг мустаҳкам гарови бўлди.

ПХР коммунистлари, меҳнаткашлари бу йил ўзларининг миллий байрами — Польшанинг тикланиш куни-ни мураккаб сиёсий вазиятда кутиб олмоқдалар. Социализмнинг мамлакатдаги ва унинг тащқарисидаги душманлари Польша давлати ва жамиятининг туб негизларига маккорлик билан ҳужум қилмоқдалар, интоварлик мақсадида Польшанинг чин дўстлари билан мунособатларини мушкуллаштиришга уринмоқдалар. Аммо бундай мўлжаллар сарбод бўлади.

ПБИПнинг IX фавқулодда съезди мамлакатдаги вазиятни барқарор қилиш, уни кризисли ҳолатдан кутқариш вазифасини қўйди. Польша жамиятининг раҳбар кучи бўлмиш Польша Бирлашган ишчи партияси марксизм-ленинизм принципларига қаттиқ амал қилиб, барча меҳнаткашларни жипслаштириш учун, уларни анархия ва контрреволюцияга қатъий зарба бериш, социалистик Ватаннинг бахт-саодати йўлида зўр ғайрат билан ижодий меҳнат қилиш учун отлантиришга шубҳасиз қодирдир.

Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакат ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган Польша Халқ Республикаси Совет Иттифоқининг ва социалистик ҳамдўстлиқдаги бошқа мамлакатларнинг ёрдамига қатъий умид боғлай олади».

(ТАСС).

ҲАМКОРЛИК АСОСИДА

«Совет — Монголия ҳамкорлигини ривожлантириш ва чуқурлаштиришда КПСС билан МХРПнинг роли» китоби босмадан чиқди. Китобда МХРда социалистик жамият қуриш ва мустаҳкамлаш даврида КПСС билан МХРПнинг тарихий ҳамдўстлик тажрибасини умумлаштириш асосида капиталистик босқични четлаб ўтган Монголиянинг социалистик ривожланиш қонуниятлари тадқиқ этилади.

Китобни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти билан МХРП Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти тайёрлаган ва Сиёсий адабиёт нашриётида чоп этилган.

(ТАСС).

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

22 июль куни СССР Министрлар Советининг мажлиси бўлди. Мажлисда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планининг 1981-1985 йилларга мўлжалланган лойиҳаси олдидан кўриб чиқилди.

План лойиҳаси КПССнинг XXVI съезди тасдиқлаган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн биринчи беш йилликка ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги айтилди.

СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Советининг Президиумига иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг раислари, СССР министрлари ва идораларининг раҳбарлари иштирокида лойиҳаларни ижтимоий ишлаб чиқариш кўрсаткичларига мувофиқ яхшилашни, лойиҳанинг ҳамма бўлимларни баланслашганлигини назарда тутиб, шу план лойиҳасини кўриб чиқиш ва уни белгиланган муддатда СССР Олий Советига тақдим этиш вазифасини топширди.

Мажлисда 1981 йилнинг биринчи ярмида СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани ҳамда СССР давлат бюджетининг бажарилиш якунлари муҳокама қилинди.

КПСС XXVI съезлининг қарорлари меҳнат ғайратини жўш урдириши ва сиёсий активликни юксалтириш ҳамда социалистик мусобақа кенг қулоч ёйдирилганлиги натижасида мамлакатнинг иқтисодий потенциали тағин ҳам ўсди, халқнинг фаровонлиги юксалди. Саноат ишлаб чиқаришининг жами ҳажми, саноатдаги меҳнат унумдорлиги, чорва ва парранда, тухум харидари, темир йўл транспортининг юк обороти, чакана товар обороти, фойда юзасидан 1981 йил биринчи ярмининг план топшириқлари бажарилди.

Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши 1980 йилнинг шу даврига нисбатан 3,4 процентни ташкил қилди. Маҳсулот реализация қилиш планини СССР ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрликларидан ташқари, барча иттифоқдош республикалар ва саноат министрликлари бажарди.

Қишлоқ хўжалигида кўкламги дала ишлари ўз вақтида ўтказилди. Ем-хашак тайёрлаш бултургидан яхшироқ бормоқда. Мамлакатнинг кўпгина районларида донли экинлар ўрим-йиғими авж олдириб юборилди.

Давлат капитал маблағлари ҳисобига умуман халқ хўжалигида жами қиймати 30,9 миллиард сўмга борадиган асосий фондлар ишга туширилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 миллиард сўм кўпдир.

Халқ фаровонлигини юксалтириш программаси изчиллик билан амалга оширилмоқда. 1981 йилнинг биринчи ярмида ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 2,3 процент, колхозчиларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ 4 процент кўтарилди, чакана товар обороти 5,7 процент ортди, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 6,5 процент ошди. Давлат капитал маблағлари ҳисобидан жами саҳни 25,2 миллион квадрат метрга борадиган уй-жойлар фойдаланишга топширилди, кўпгина янги мактаблар, касалхоналар, поликлиникалар ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилди.

Шу билан бирга мажлисда айтиб ўтилдики, кўпгина министрликлар ва идоралар 1981 йил биринчи ярми план кўрсаткичларини пасайтириб юборганлар, ишлаб чиқаришни интенсивлаш борасидаги ишларни сусткашлик билан ўтказмоқдалар, давлат, план ва меҳнат интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш хусусида бирлашмалар, корхоналар, қурилишлар ва ташкилотларнинг раҳбарларига тегишли талабчанлик қилмаяптилар. СССРнинг айрим министрликлари, идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун етарлича самарали чоралар кўрмаяптилар. Бир қанча корхоналар муҳим саноат маҳсулоти турлари ва халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш борасида белгиланган топшириқларни бажаролмади.

СССР Министрлар Совети СССР министрлари, идоларнинг раҳбарлари ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари зиммасига КПСС XXVI съезди қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитет номидан партия съездида қилган Ҳисобот докладида олга сурган қоидалар ва вазифаларга амал қилиб, ўзларига қарашли бирлашмалар, корхоналар, қурилишлар ва ташкилотларнинг 1981 йил биринчи ярмидаги хўжалик фаолияти якунларини синчиклаб анализ қилиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, 1981 йилда план ҳамда социалистик мажбуриятлар тўла ва ошириб бажарилиши юзасидан тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш ва шу билан халқ хўжалигининг тобора муттасил юксалишини таъминлаш вазифасини юклади.

Битказилмаган қурилиш ва ўрнатилмаган машина-ускуналар ҳажмини камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни ишга тушириш планларини бажариш, хом ашё, ёқилғи-энергетика ресурслари ҳамда бошқа моддий ресурсларни тежаб-тергаш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ишларни кучайтириш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг ассортиментини ошириш ва сифатини яхшилаш учун қўшимча имкониятларни қидириб топиш зарурлигига алоҳида эътибор берилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Мева-сабзавотчилик хўжалиги министрлиги, СССР Тайёрлаш министрлиги, СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ва СССР Госкомсельхозтехникасига етиштирилган барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиб-териб олиш, ем-хашак тайёрлаш ҳамда уларнинг асралишин ва қайта ишланишини таъминлашга доир барча зарур чораларни кўриш таклиф этилди.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов нутқ сўзлади.

СССР Министрлар Совети мажлисининг ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко иштирок этди.

(ТАСС).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

ЧАРОҒОН, ОБОД ҚИШЛОҚЛАР

ЮКСАК ТУРМУШ МАДАНИЯТИ УЧУН

СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ПЛАНИ

Партия ва ҳукуматимиз инсон меҳнати унумли, мазмунли, маройли, ижодий бўлиши учун кўп куч-ғайрат сарфлаб келдилар ва сарф-ламоқдалар. КПСС XXVI съезди совет кишиларининг турмуш тарзини яхшилаш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни кескин камайтиришнинг янги марраларини белгилади.

Бу вазифаларни бажариш барча партия, совет ташкилотларининг шон-шараф иши бўлиб қолди. Коммунистлар, депутатлар, барча меҳнаткашлар съезд қарорларини амалга оширишнинг йўлида ўзига хос ташаббускорлик кўрсатмоқдалар.

Районимизда қишлоқ меҳнаткашларининг турмуши, маданияти, маиший шароитини яхшилаш учун катта ва изчил ишлар бошланди. Аҳоли пунктларини ободонлаштиришнинг конкрет тадбирлари ишлаб чиқилиб, дадил амалга оширилаётир.

Экономиканинг ўсиши, даромаднинг кўпайиши маданий қурилишга, қишлоқлар қиёфасини ўзгартиришга йўл очмоқда. Шундай бир мисолни айтиб ўтиш ўринлидир. Районимизда аҳоли жон бошига реал даромадлар беш йил мобайнида 16 процент ошди. Капитал қурилишга қилинган харажат 57 миллион 704 минг сўмни ташкил этди. Беш йил давомида қишлоқ хўжалигидан 156 миллион сўмдан кўпроқ даромад олинди. Шундан 8 миллион сўмдан ортиги районнинг аҳолисининг маданий-маиший эҳтиёжларига сарф қилинди.

Район партия комитети, совет ва хўжалик органлари давлатимиз кўрсатаётган моддий ва маънавий ёрдамга таяниб, сўнгги йилларда катта ҳажмда қурилиш режаларини белгиладилар. Ўтган беш йилда янги-янги корхоналар қурилди. Қишлоқ саноатининг тутгиниши районимиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Чинобод пахта тозалаш заводи қурилиб, ишга туширилди. Завод белгиси қўйилган маҳсулот мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарига, чет элларга юборилмоқда. Тошкент спорт товарлари фабрикаси Чинобод филиалининг очилиши, 102-автокорхонанинг ташкил этилиши аҳолига ғамхўрлик, меҳрибонликнинг яна бир ифодаси бўлди.

Уй-жой қурилиши соҳасида жуда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Ўтган беш йилда район бўйича 1210 ўринли 9 та типовой болалар боғчаси қурилиб, боғчалар сони 50 тага етказилди. Райондаги мактабгача ёшдаги болаларнинг 33 проценти боғча-ясларга жалб этилди. Боғчаларга бораётган ҳар бир боланинг йиллик харажати ўртача 400 сўмданга тўғри келмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасида кўп иш қилинди. 2 та поликлиника, 2 та марказий, 4 та ихтисослаштирилган касалхона, 3 та қишлоқ шифохонаси ишлаб турибди. Ўтган йили район марказий қуриш «КПСС XXV съезди», Карл Маркс номли, «Победа», «Пахтакор», Киров номли, Охунбобоев номли колхозларда айниқса яхши йўлга қўйилган.

Хутор системасини тугатишга алоҳида эътибор берилди. Беш йилда 28 та кичик қишлоқдаги 269 хонадон янги уйларга кўчирилди.

Чинобод посёлкасида аҳоли турмуш маданиятини оширишга оид ибратли ишлар қилинди. Савдо маркази барпо этилди. Посёлкада аҳоли дам оладиган маданият ва истироҳат боғи барпо этилди.

Ўрмонбек, Олимбек қишлоқларида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган кишилар хотирасига ёдгорлик ўрнатилиб, атрофи обод қилинди.

Район маркази шаҳар тусини олмоқда, халқ меъморчилиги намуналарини ўзида мужассамлаштирган ҳашаматли «Балиқчи тонги» чойхонаси, автостанция, 3 минг ўринли замонавий стадион, давлат омонат кассаси биноси ва бошқа кўркам иморатлар район марказининг кўрки бўлиб қолди.

Қишлоқ аҳолисига маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатиш бирмунча яхшиланди. Қишлоқ марказларида яшаётган аҳоли асосан водопроводдан сув ичмоқда. 11 мингдан знёд хонадон суюлтирилган газ, 450 хонадон табиий газ билан таъминланди. 10 та хўжалик ўз телефон станциясига эга. 1976 йилда районимиз аҳолисига 295 минг сўмлик маиший хизмат кўрсатилган эди. Ҳозир аҳолига йилига 523 минг сўмлик маиший хизмат кўрсатилмоқда.

Кейинги 2 йилда қишлоқ меҳнаткашларига 4 миллион 96 минг сўмлик маданий ва рўзғор буюмлари етказиб берилди. 71 миллион 500 минг сўмлик савдо хизмати кўрсатилди.

Қишлоқ меҳнаткашларининг маданий савиясини оширишда маданий-оқартув муассасаларининг роли каттадир. Районимизда клуб ва кинотеатрлар 38 тага, кино қурилмалар эса 17 тага етди. Яқин 300 минг китоб фондига эга бўлган 55 та кутубхона бор.

Болали оналар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилинаяпти. Ўтган беш йилда район бўйича 1210 ўринли 9 та типовой болалар боғчаси қурилиб, боғчалар сони 50 тага етказилди. Райондаги мактабгача ёшдаги болаларнинг 33 проценти боғча-ясларга жалб этилди. Боғчаларга бораётган ҳар бир боланинг йиллик харажати ўртача 400 сўмданга тўғри келмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасида кўп иш қилинди. 2 та поликлиника, 2 та марказий, 4 та ихтисослаштирилган касалхона, 3 та қишлоқ шифохонаси ишлаб турибди. Ўтган йили район марказий касалхонасининг болалар ва болали оналар бўлими янги бинога кўчирилди. Чинобод марказий касалхонасининг хирургия ва травматология бўлими учун янги бино қуриб берилди.

Турмуш маданияти ҳақида яна кўп гаплар айтиш мумкин. Ҳаёт қишлоқ аҳолисининг турмушини яхшилаш ишларини аниқ ишлаб чиқилган социал-иқтисодий тараққиётнинг перспектив плани асосида олиб боришни тақозо этмоқда. Бу соҳала илк тажриба вужудга келди. Чуночи 3 та хўжаликда социал-иқтисодий тараққиёт плани ишлаб чиқилган. Уларда колхозларнинг реал имкониятлари ҳисобга олинган. Пухта ўйлаб тузилган бундай планлар хўжалик экономикасини мустаҳкамлаша, кишларнинг маданий-техникавий савиясини оширишга, қишлоқ аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга ёрдам берди.

Ижроком ва унинг аъзолари, қишлоқ Советларининг раислари, доимий комиссияларнинг раҳбарлари, депутатлар бутун диққат-эътиборни социал-иқтисодий тараққиёт планини изчил амалга оширишга қаратмоқдалар. Бу муҳим масала сессия ва ижроком мажлисларида тез-тез кўрилиб, ютуқ ва камчиликлар атрофлича таҳлил қилинмоқда. Йўл қўйилган нуқсонларни тугатиш чоралари белгиланмоқда, илғор тажрибалар оммалаштирилмоқда.

Қишлоқ турмушини қайта қуришда сайловчиларнинг наказларини ўз вақтида бажариш ҳам катта роль ўйнамоқда. Улар меҳнаткашлар учун энг яхши турмуш шароити яратиш ҳақида кўп наказлар беришди. Ўша наказлар асосида Ўрмонбек, Олимбек, Чинобод қишлоқларида замонавий мактаб, Куйбишев номли колхозда болалар боғчаси, «КПСС XXV съезди» колхозида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ёдгорлик, «Ленинград» колхозида клуб қурилди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатида кийимларни химиявий йўл билан тозалаш бўлими, район марказида Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига хизмат кўрсатадиган «Шоншуҳрат» магазини очилди.

Маҳаллий Советлар одамларнинг иш шароити, соғлиги, маданий-маиший аҳволидан доимо хабардор бўлиши, уларнинг эҳтиёжларига қулоқ солиши ва зарур бўлганда ёрдам қўлини чўзиши, меҳрибонлик кўрсатиши керак. Балиқчи район ижроия комитети, қишлоқ Советлари депутатлари шу йўлдан бормоқдалар.

С. ҚОДИРОВ,
Андижон область Балиқчи район ижроия комитетининг раиси.

ХАЛҚНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ, УНИНГ МАЪНАВИЙ ЭҲТИЕЖЛАРИНИ ҚОНДИРИШ — ЛЕНИН ПАРТИЯСИ СИЕСАТИНИНГ БУЮК ИНСОНПАРВАРЛИК МАҚСАДИДИР.

(Ўзбекистон Компартияси XX съезди материалларидан).

ДАЛА ПОЛИКЛИНИКАЛАРИ

ФАКТ ВА ШАРҲ

Қуёш тиккага келган. Жазирама иссиқдан дала поликлиникаси атрофи ҳам саробдек жимирлайди. Шу пайт телефон устма-уст жирингламоқда.

— Поликлиникамиз? 21-совхоздан безовта қиляпмиз. Тез ёрдам керак. Беморнинг аҳволи оғир.

Врач адресни ёзиб олдию, дарҳол «тез ёрдам» машинасини жўнатди.

Кўп ўтмай бемор шифокор қабулига келтирилди. Врач ўрта ёшдаги кишини ҳар томонлама текширди.

— Шамоллабсиз. Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади, — далда берди врач. Сўнгра дастлабки ёрдамни кўрсатди. Унинг бир-икки оғиз ширин сўзи боягина беҳол келган киши кайфиятини кўтарди.

Медицина хизматида муҳим янгилик ҳисобланган дала поликлиникалари тўғрисидаги ахборотни Қашқадарё область партия комитетининг секретари Маҳмуд ХУДОЙҚУЛОВ шарҳлайди.

— Меҳнаткашларга далада тиббий ёрдам кўрсатишнинг бундай усулини областимизнинг қўриқ районларида кўплаб учратиш мумкин. Область партия ва совет ташкилотларининг ташаббуси билан бизда мана уч йилдирки, меҳнат аҳлига медицина хизмати кўрсатишнинг ана шу формаси вужудга келди. — Район ва совхозларда медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган, дори-дармонлар билан таъминланган дала поликлиникалари бунёд этилди. Чунки қўриқ Усмон Юсупов, Толлимаржон. Нишон, Баҳористон ва Муборак районларида аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасалар анча олисда жойлашган эди. Дала поликлиникаларининг ташкил этилиши пахтакорлар узоғини яқин қилди.

Ҳозирги кунда қатор районларда замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган тўққизта дала поликлиникаси ишлаб турибди. Улар Қаршин шаҳридаги медицина муассасалари оталиғида дала заҳматкашларига намунали хизмат қилаётир.

Қишлар саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш партия ва ҳукуматимиз фаолиятининг бош масалаларидан бири ҳисобланади. Область партия комитети аҳолига медицина хизмати кўрсатишни тўғри уюштириши ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган. Натижада ҳозир Қашқа воҳасида даволаш-профилактика муассасаларининг кенг тармоғи вужудга келди. Врачлар ва бошқа медицина ходимлари дала поликлиникасига шаҳар даволаш муассасаларидан келиб, навбатчилик қилишяпти.

Область партия, совет ташкилотлари медицина ёрдами кўрсатиш самарадорлигини бундан буён ҳам ошираверишни, даволаш-профилактика ишларини кучайтиришни, меҳнаткашлар соғлиғини муҳофаза қилишни ўзининг энг муҳим вазифаларидан деб билади.

Қува районидаги Димитров номли колхоз пахтакорлари съездлар йилида 905 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштириш мақсадида дала ишларини шу кунининг юксак талаблари даражасида олиб бормоқдалар. Колхоз маъмурияти далада ишлаётганлар учун барча шарт-шароитларни яратиб берган. 14 далачилик бригадаси замонавий дала шийпонларига эга. Колхозчилар тушликда ва кечқурун бу ерда мириқиб дам оладилар.

Суратда: колхозчилар М. Қўчқоров бошлиқ бригада аъзоларидан Нуъмонжон Тиллабоев, Абдуҳаким Ҳамроқулов ва Шаробиддин Алиевлар тушки дам олиш вақтида.

Ф. Лутфуллаев фотоси.

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАН

Яқин вақтларда ҳам бу ерлар тўқайзор, қамишзор, ўркач-ўркач қумлардан иборат эди. Баъзи жойларда шўх Амударё Ойдинкўл пайдо қилар, баъзи жойлар сувга ташна бўлиб ётарди. Қонли кўл билан Олтин кўл, Улуғ дарё билан Бекжон атрофларининг бугунги қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Қудратли техникани жиловлаган деҳқонларнинг қўли бу ерларга янги ҳаёт келтирди. Янги коллекторлар-дренажлар, каналлар очилди, пахтазорлар ва шолипоялар барпо қилинди. Обод посёлкалар вужудга келди. Амударё бўйидаги Бекжон қаҳрамон комсомоллари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик симолари ана шу ўзгаришларга қувонч билан қараб тургандек туюлади.

Бекжон атрофлари автоном республиканинг шоликорлик зонасига айланди. Партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлиги туфайли ихтисослаштирилган шоликорлик совхозлари вужудга келди, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Ленинобод райони ташкил этилган йили, яъни 1971 йилда 15,2 минг тонна шоли етиштирилган бўлса, ўнинчи йили бу кўрсаткич 57,2 минг тоннага кўтарилди. Шоликорлик билан шуғулланувчи ҳар бир киши ҳисобига 33,9 тоннадан шоли етиштирилди.

Дон етиштиришни кўпайтириш қишлоқ коммунистларининг, барча колхозчилар ва совхоз ишчиларининг энг муҳим вазифаси эканлигини район меҳнаткашлари жуда яхши англайдилар.

Ана шундай ҳайрли иш баракали ҳисса қўшаётган кишилардан «Олтинкўл» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Сарсенбой Қурбонбоев, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутати Қодиримбет Дуримбетов, «Партия XXII съезди» совхозидан Нуратдин Тажетов, Назарбой Туремуротов, Парда Усенова, Дзержинский номли совхозидан Роҳила Соғиндиқова, Жанабой Ҳолмуротов каби ишлаб чиқариш командирларининг номини автоном республикада ҳурмат билан тилга оладилар.

Роҳила Соғиндиқова комсомол йўлланмаси билан Дзержинский номли совхозга келганда совхознинг марказий посёлкаси энди қурила бошлаган эди. Одамлар палаткаларда, кўчма вагонларда яшардилар. Орадан кўп ўтмай уларнинг қаторига ўнлаб йигит ва қизлар қўшилди, ёшлар бригадаси тузилди. Ёшлар қийинчиликлардан қўрқишмади. Катталар билан баравар майдонда от суришди. Дастлабки йил ҳосили район кўрсаткичидан паст бўлса ҳам, бу биринчи марта деҳқончилик қилган ёшлар учун катта ютуқ эди. Орадан кўп вақт ўтмай бригада илғорлар қаторига кўтарилди. Ёшларнинг сардори Роҳила Соғиндиқова жаҳон ёшлари ва студентларининг XI фестивалида қатнашди. Ўша йили бригада ҳосилдорлиги гектарига 70 центнерга етказди.

Бу ленинободлик новатор шоликорларнинг ишларидан бир мисол. Лекин яхши меҳнат қилиш учун яхши шароит ҳам бўлиши керак. Кишилар бўш вақтларини қандай ўтказадилар? Уларга намунали маданий ва маиший хизмат кўрсатиладими? Ҳозирги вақтда бу саволлар ишлаб чиқаришни юксалтириш проблемалари билан чамбарчас боғлиқ.

1972 йилда бир воқеа рўй берди. «Олтинкўл» совхози территориясидаги Мичурин номли ўрта мактабни битирган ёшлар яхши ташаббус бошлаб, ёппасига шоликорликка ишга келишди. Бироқ мактаб қўйнидан эндигина чиққан йигит-қизлар вақтинчалик қийинчиликларга кўника олмадилар. меҳнат уларни зериктириб қўйди. Пил охирига етмасданоқ ташаббус билан келган ёшлар тарқаб кетишди. Бу ерда гап фақат уларнинг қийинчиликларга бардош бермаганидагина эмас, ёшлар ўртасида старли иш олиб борилмагани, уларнинг бўш вақтларини кўнгили ўтказишлари учун шароит яратилмаганида эди.

Район партия ва совет органлари бу камчиликларни тугатиш учун тегишли чораларни кўришди. Мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, меҳнаткашларга ғамхўрлик кучайтирилди. Оммавий-сиёсий ишлар жонлантирилди. Янги қурилишлар авж олди. Ҳозир ҳар бир шоликорлик совхозининг ўз типовой клуби. спорт заллари, майдончалари, кўчма киноустановкалари, кутубхоналари бор. Бундан икки йил аввал «Олтинкўл» ва «Партия XXII съезди» совхозларида эстрада ансамблари ташкил этилди.

Меҳнат аҳлига ғамхўрлик партия ва совет ташкилотларининг доимо диққат эътиборида. Ҳозир районда мактабгача болалар муассасалари тармоғини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилянти. Ўтган йилнинг ўзидагина Дзержинский номли совхозда 140 ўринли, Свердлов номли совхозда 90 ўринли болалар боғчаси ишга туширилди.

Партиямиз XXVI съезди қарорлари район меҳнаткашларини янги ташаббусларга, янада унумли ишлашга руҳлантирмоқда. Яқин йиллар ичида районнинг шолиполяларида 16200 гектарга етказилади. Демак, районга қўшимча равишда техника, янги ишчи кучлари келади. Ана шуларни ҳисобга олиб, яқин йиллар ичида 109 минг квадрат метр уй-жой, 560 ўринли мактаблар, 105 ўринли касалхона, 400 ўринли маданият уйи, район марказида 140 ўринли ресторан қурилиши планлаштирилди.

Буларнинг ҳаммаси Коммунистик партиямизнинг иқтисодий стратегияси совет кишиларининг турмуш маданиятини юксалтиришга, уларга ҳар тарафлама ғамхўрликни кучайтиришга баракали таъсирининг далилидир.

М. УСПОНОВ.
Қорақалпоғистон АССР, Ленинобод райони.

КИТОБ САВДОСИ

ЗИЁГА ИНТИЛГАН...

Совет кишиси қаерда яшамасин, қайси соҳада ишламасин, маданий-маънавий камолотга эришиш учун унга барча шароит яратиб берилганки, буни жумладан республикамиз қишлоқларида китоб савдоси йилдан-йилга ривожланиб бораётганлигидан ҳам билса бўлади. Мухбиримиз «Ўзбекбирлашув» китоб савдоси бошқармасининг етакчи товароведи Римма Михайловна Карпикова билан ана шу ҳақда суҳбатлашди.

— Бугунги кунда қишлоқларимизда китобсиз хонадон йўқ деб комил ишонч билан айтиш мумкин, — дейди Р. Карпикова. —Бизнинг матлубот жамияти йўли билан ҳар йили 20 миллиондан ортиқ турли адабиёт ва босма нашрлар сотилмоқда. Ўнинчи беш йиллик мобайнида ижтимоий-сиёсий адабиётлар сотиш уч марта, қишлоқ хўжалигига оид китоб ва брошюралар сотиш эса икки марта кўпайди.

Ҳозирги кунда колхозчилар, совхоз ишчилари, механизатор ва бошқа хил қишлоқ хўжалик мутахассисларига 400 га яқин ихтисослашган китоб магазинлари ва 195 та китоб дўкони хизмат кўрсатмоқда. Қишлоқ университетлари, маданий моллар, хўжалик-рўзғор буюмлари магазинларида эса 2 мингга яқин махсус китоб бўлимлари ишлаб турибди. Фермаларда, олис яйлов ва дала шийпоналарида кўчма китоб дўконлари тез-тез келиб туришига одатланиб қолишган. Республикамизда бундай китоб автолавкалари сони 110 тадан ошди. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ аҳлининг билим манбаи — китобга бўлган эҳтиёжларини мумкин қадар тўлароқ қондиришга имкон бераётир. Матлуботчилар ўтган йили китоб товар оборотини 12 миллион 152 минг сўм ўрнига 12 миллион 639 минг сўм қилиб адо этдилар. Бу йилнинг биринчи ярми плани ҳам ортиғи билан 104,6 процент қилиб бажарилди.

— Китоб савдосида қанақа янги усуллар қўлланилмоқда?

— Табиийки, турмушимиз фаровонлашиб, маданий савия ошган сайин, механизация тафайли оғир меҳнат енгиллашиб, қишлоқ аҳлининг бўш вақти кўпайган сари китобга қизиқиш ҳам ортиб боради. Китоб савдосини янада ривожлантиришда кооператорларимизга «Ёш китоб дўстлари» деб аталмиш мактаблардаги 350 кооператив, 150 халқ китоб дўконларидан ташқари кўплаб жамоатчи китоб тарқатувчилар ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар. Шунингдек, қишлоқ аҳолиси эҳтиёжларини ўрганишга кўмаклашувчи олтмишдан ортиқ жамоатчи кенгаш ишлаб турибди. Совхозларнинг марказий қўрғонлари, йирик колхоз посёлкалари, район марказларида китоб савдоси ойликлари, тематик савдо-кўргазмалари, китоб бозорлари ва байрамлари, адиблар билан учрашувлар ўтказиш анъана бўлиб қолди.

Андижонлик матлуботчилар бошлаган ташаббус ҳам ибратлидир. Областнинг ҳамма районларида мактаб дарсликларини базадан китоб магазинларига эмас, тажриба йўсинида тўғридан-тўғри район халқ маорифи бўлимларига тарқатишмоқда.

— Қишлоқ китоб савдоси истиқболлари хусусида қандай фикрдасиз?

— Пахтакорлар. чорвадорлар, ғаллакор ва соҳибкорларга, ноз-неъмат бунёдкорларига хизмат кўрсатиш, ҳеч шубҳасиз. келгусида янада кенгаяди. Ўн биринчи беш йилликда яна 25 та ихтисослашган китоб магазини очиш, мавжуд ўттиз магазинни қайта реконструкция қилиш кўзда тутилмоқда. Бу борада Хоразм областида, айниқса диққатга сазовор ишлар амалга оширилаётир. Ўтган олти ойнинг ўзидагина бу ерда 7 та китоб магазини очилди, ҳозир ҳар бир район марказида йирик китоб магазини ишлаб турибди. Уларнинг савдо зали катта — 150—200 квадрат метрни ташкил этади. Бу ҳол китоб савдосининг прогрессив формаларини янада изчилроқ ҳаётга жорий этиш имконини бераётир.

Қишлоқда китоб савдосини тўғри ташкил этиш ва ривожлантиришда Хўжаобод, Олтинкўл, Қува, Тошлоқ, Оқдарё, Ургут, Ғиждувон, Пешқу, Ромитан, Ангор, Денов, Ғузор, Зомин, Ворошилов ва Пискент район матлуботчиларидан ўрнак олиш керак. Ана шунда қишлоқ китоб савдосини ҳамма ерда ҳам бугунги кун талаблари асосида ривожлантириш мумкин бўлади. Ахир қишлоқ турмуш маданиятини юксалтиришнинг бу муҳим омилига, партиямиз талаб этаётганидек, меҳнаткашлар моддий фаровонлигини оширишнинг ажралмас таркибий қисми деб қараш давр тақозоси эмасми?!

ОРОМБАХШ ШИЙПОНЛАР

РЕПОРТАЖ

Бугунги тадбир колхоз партия комитети идеология ходимларининг республика семинар-кенгашида илгари сурилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан тузилган режаларда ҳам кўзда тутилган. Ундан мақсад — кишилар кайфиятини ўрганиш, уларнинг қалбини тўлқинлантираётган масалалар хусусида дилдан, очиқчасига суҳбатлашиш. Партком секретари Ортиқали Жўраев, бош экономист Абдулаҳад Омонбоев, касаба союз ташкилотининг раиси Каримжон Суярқулов, правление раисининг маданий ишлар бўйича ўринбосари Эминжон Қулфиддинов, Водил қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси Ғанижон Умаралиев — сиёсий етук, ғоявий жиҳатдан чиниққан коммунистлар, малакали мутахассислар, хўжалик ҳаётининг ички-чиқиригача чуқур мулоҳаза қила биладиган раҳбарлар.

Улар ҳозир дала айланиб, ғўзаларни кўздан кечириб чиқиб, тушки овқатдан кейин дам олаётган колхозчилар даврасида ўтиришибди. Тўғри, бригада колхознинг олди бригадаси. Лекин унинг бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Абдуворис Бойбуваевнинг «дўпписи осмонда» эмас: чигит бултургидан 20 кун илгари экилганига қарамай, ҳавонинг паст келиши оқибатида ғўзалар ривождан орқада қолди. Бир ой ичида тўрт марта жала қуйиб, тўрт марта қатқалоқ кўчирилди. Осмонга иккита булут кўтарилса, тоққа бориб бош уради-ю, айқаш-уйқаш бўлиб кетиб, захрини пахтазорга сочади. Колхозчилар бир ҳафта мобайнида унинг тазйиқи остида ишлаб хумордан чиқолмадилар. Лекин улар сабр-бардошли, иродаси кучли, ғайрат-шижоати чексиз, аҳдларини қатъий: «Ҳосилдорликни ўтган йилгига нисбатан 4 центнерга ошириб, 55 центнерга етказамиз!»

Суҳбат бригада бошлиғининг ана шу йўсиндаги фикр-мулоҳазалари билан бошланди. Экономист А. Омонбоев эса гапни одатдагидек рақамларни чигиштиришдан бошлади. Бригада аъзолари бултур ҳам об-ҳаво инжиқликларига қарамай, мўл, арзон ҳосил етиштирганди. Колхозчиларнинг ҳар бир сўм асосий иш ҳақига кўшимча 1 сўм 03 тийиндан таксимланди, ёки ҳар бир ишловчининг ойлик маоши 230—270 сўмга тўғри келди. Бу йил эса ишлаб чиқариш харажатлари белгиланганидан ортиб кетиши, таннархга ва демак даромадга путур етиш хавфи бор....

Экономист бригада аъзоларини ўйлантириб қўядиган масолар келтирганди. Даврада аввал шивир-шивир бошланди, бир дам ўтиб, ишнинг сифати, ўғитдан тўғри фойдаланиш ва уни ерга солиш муддатлари тўғрисида ошкора фикр алмашишга кўчилди. Сувчилардан Жўравой Азимов, Неъматжон Рўзиматов ўз мулоҳазаларини ўртага ташладилар. Тракторчи Саминжон Орзиқуловнинг фикрича, тупроқни қизитиш учун меҳнат сарфидан чўчимай, культивацияга зўр бераверишмиз, мўл ҳосил тўплаш пайида бўлавериш керак. Лекин сувчи ҳам, механизатор ҳам сифат масаласини унутмаслиги лозим..

Суҳбат шу билан якун топмади, балки ҳеч ким бефарқ қарамайдиган мавзу — турмуш фаровонлиги мавзусида давом этди. Масалан, қишлоқларни ичимлик сув билан таъминлаш, суюлтирилган газ етказиб беришда узилишларга барҳам бериш, боғча-яслилар қурилиши... Бу масалаларда қийинчиликлардан юз ўгириш, етишмовчиликларни хаспўшлаш ярамайди. Худди шу мақсадда агитбригада составига К Суярқулов, Э. Қулфиддинов ўртоқлар киритилганди, қишлоқ Совети ижроқоми раиси Ғ. Умаралиев жалб этилганди.

Колхоз партия комитети, правление меҳнаткашларга ғамхўрлик қилишни ўзларининг ташкилий, сиёсий ва хўжалик фаолиятларининг таянч нуқтаси деб билади, шу асосда иш кўради.

— Ўзларингга маълумки, кейинги йилларда қурилишга катта эътибор берилди, — деди правление раисининг маданий ишлар бўйича ўринбосари Э. Қулфиддинов. — 20 та типовой дала шийпони қурилиб, чинакам оромгоҳга айлантирилди, телевизор, радиоприёмник сингари маданий-маиший, рўзғор буюмлари билан таъминланди. Колхоз қишлоқларида магазинлар, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари сони 45 тадан ортиб кетди. «Орзу» маиший хизмат комбинати, «Ғўзаллик» салони ишга тушди. 2,5 миллион сўм сарфланиб, 800 ўринли шифохона ва поликлиника қурилди. Ҳозир 25 та мавсумий боғча ишлаб турибди, 7 та доимий боғчага 480 бола ғортилган. Бу жуда оз. Правление қурилиш учун йилига 500 минг сўм ажратяпти. Бир йўла иккита боғча-ясли қуришга қурбимиз етади, лойиҳасмата ҳужжатлари бор. Бироқ, қурадиган ташкилот йўқ. Колхозлараро механизациялашган кўчма колонна бу йил бизнинг колхозда 120 минг сўмлик иш бажаришни планлаштирган, холос. Бу қурилиш бошланган объектларни тугаллаш учун ҳам озлик қилади. Албатта, бу танглиқдан чиқиш йўлини қидирамиз, шу билан бирга сизларнинг раҳбарингиз, республика Олий Советидаги мухтор вакилимиз ўртоқ Бойбуваевдан ёрдам беришини илтимос қиламиз...

Абдуворис Бойбуваев ва Ғанижон Умаралиев боғча-ясли қурилиши, ичимлик сув ва газ таъминоти муаммоларини ҳал қилиш йўлида кўрилаётган чоралар хусусида батафсил гапирдилар.

— Колхоз мутахассислари ва раҳбарларидан, қишлоқ Совети вакилидан иборат агитбригадамиз бундан олдин К. Отабоев, Т. Дадажонов бошлиқ бригаделарда бўлганди, — дейди партком секретари О. Жўраев. — Турмуш масалалари қақида дилдан суҳбатлашиш кишиларнинг кайфиятига кучли таъсир қиляпти. 1981 йил вазифаларини бажариш йўлида янада яхшироқ ишлашга ундаяпти. Вазифалар эса жуда масъулиятли. Бу йил 5 минг тонна пахта етиштиришга аҳд қилганмиз. Ғалабалар йилномасини ҳам бошлаб қўйдик: 88 тонна ўрнига 364 тонна бошоқли дон етиштирдик. Белгиланганидан 9 тонна кўп — 32,5 тонна пилла сотдик. 360 тонна хўл мева тайёрлаб, планни бажардик, уни 1,5 ҳиссага етказмоқчимиз. Хуллас, бутун оммавий-сиёсий ишларимиз мазмунини меҳнаткашларни ўн биринчи беш йилликнинг тўнғич йили социалистик мажбуриятларини тўла-тўкис бажаришга сафарбар этишга бўйсундирмоқдамиз.

О. ЖОРҚИНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.
Фарғона районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз.

ЁЗУВЧИ ВА ҲАЁТ

БЕДОРЛАР ШИЖОАТИ

Йўлдош ШАМШАРОВ

УЧҚЎРҒОН РАЙОНИДАГИ «ЯНГИОБОД» КОЛХОЗИ КОММУНИСТЛАРИ ҲАҚИДА

Учқўрғон чўли. Улуғ Лениннинг Туркистон ерларини суғориш тўғрисидаги машҳур Декретида тилга олинган ўн минг десятина дашт. Унинг қиёфаси катта Фарғона канали қурилган 1939 йилдан чинакам ўзгара бошлади. Аҳмадали тенги мактаб ўқувчилари каналчиларга трасса бўйлаб чой ташир, газета-журналларни ўқиб берар эдилар. Шундай катта канални одамлар кетмон билан қазиган, тупроқни қоплаб ва замбил ғалтакларда ташиган, кечаю кундуз ишлаб, қирқ беш кунда битказган эдилар. У Усмон Юсупов билан Йўлдош Охунбобоевни ўшанда кўрганда таниган эди. Юсупов «бу чўл ўртасидан янги дарё, ҳаёт дарёси ўтади», деди. Шу дарё қирқ йилдан бери бу ерларни ҳаёт сувига қондириб ўтмоқда. Қарангки, бу ҳаёт суви Аҳмадалининг тақдирини шу чўл билан, унинг обод бўлиш даври билан боғлади. У бу жойларни обод қилувчиларнинг ташкилотчиларидан бири бўлиб қолди.

У дастлаб «Агроном» колхозига, кейин «Сталин йўли»га раис бўлди. 1952 йил майда, камқувват хўжаликлар бирлашгач, уни «Янгиобод» колхозига раис қилиб сайладилар. Шунча йил колхозларга раис бўлган одам партия сафига кириш учун ариза беришдан ҳайиқибди: унинг вазифаларини бажара олармиканман деб?..

У Ўктамбой Холматов звеносида тўхтади. Ўктамбой карта ўртасида, афтидан, сув тарарди. Раисни таниб, кетмонни пушта устига қўйди-да, битта-битта қадам ташлаб кела бошлади. Раис унинг бамайлихотир, лапанглаб қадам ташлашига қараб илжайди. Гапни ҳам пошмай, салмоқлаб гапиради. Иши ҳам шу. Аммо тоза, пухта, таҳсинга лойиқ.

Холматов сўзлаётганда бошмалдоғи билан пешонасини сидириб-сидириб гапиради, эгатга тикилавериш-дан ҳосил бўлган ажиналарни аста ёзади.

— Биз, ўртоқлар, сувчимиз, Ўттиз йилдирки, экинни яшнатамиз. Тўғри, механизатор бўлмаса ҳам, ғўза яшнамайди. У ҳам ғўза авжига қувват бериб туради. Бўлмаса, куз келганда, пахта оқ денгиздай чайқаладими? Бунн фақат ўзига ортиқ бино қўйган киши тан олмайди. Аммо эгатларга баравар сув тараш, жилдиратиб оқизиш, ҳамма ғўзани тенг қондириш керак бўлганда югуртириб олиш, ғўзанинг томғини ҳўллаб қўйиш, хуллас, сувчининг маҳоратида гап кўп, акалар... Ҳа, йўлдан қараганингизда, жамики ғўзангиз яшнаб, чеккасига гул тақиб, кулиб турса, кўнглингиз қувонмайдими? Аминманки, кўкрагингиз тоғдай кўтарилиб кетади...

— Ўзингиз ниҳоятда интизомли бўлинг, — дейди у ёш сувчиларга. — Экинни олалатмай тарбият қилинг, бўлмаса сув сизни ташлаб кетади. Унинг ёввойи кучи қўзийди...

Звено бошлиғи етиб келди. Унсиз раисга қўл узатди. Раис ҳам унинг темирдай қаттиқ қўлини олиб индамай тикилиб турди:

— Қалай?

— Дуруст.

— Қатқалоқ тугадими?

Ўктамбой маъюс илжайди. Унинг кўзлари ҳорғин эди.

— Ҳа. Ҳар туп ғўза бўғини битта-битталаб юмшади.

— Баракалла. Эллик центнер ўзи бўлмайди, биродар.

— Қайтарилмаса бас. Жонга тегди.

— Оддий сувчилик ёнига звенога бошлиқликни қўшиб олдингиз-да.

— У-ку қийнамайди-я, раис... Суяк бут бўлса бас, эт битиб кетади...

Зулфиқор Жавҳаров қиличдай йигит. Идрокли коммунист. Айтганини амалга ошираднган звено бошлиқларидан. Майда карталарни бирлаштириб, ерни текислатди, юз гектарлик яхлит пайкал қилиб олди. У чигитни пушта устида ўстирган миришкорлардан бири. Жала ёғса, пуштанинг икки бағрини савалаб, эгатга юмалайди, пушта усти кам қотади. Ғўза тўқсон-у йигирма схемасида ўстирилган. Ғўзаларнинг икки бағри чуқур культивация қилинади, икки бағрига майин тупроқни уйиб кетади. Ғўза яйраб, кун нуридан тўла баҳра олиб, шохлаб ўсади, баракали ҳосил олади. Бу усулнинг фазилатларидан яна бири шуки, дейди у, — ғўза бўғзида кам қатқалоқ ҳосил бўлади. Қўлда, кетмон ва тешада юмшатишга эҳтиёж кам қолади.

Колхоз партия комитети билан правление қўшма мажлисининг муҳокамасига колхозчилик ҳаракатининг бошидаги майда хўжаликлардан қолган эски марзаларни бузиш, 50—100 гектарлик яхлит карталар ҳосил қилиш масаласи қўйилди. Айрим мутахассислар пайсаллашди: ер текислашда уват ва дўнгликлардаги семиз — ҳосилдор тупроқ сурилиб кетади, ўрнида ҳосил битмайди...

Абдураҳи Асқаров қўл кўтариб, ўрнидан турди:

— Бу гапда жон бор, ўртоқлар. Жонсиз тупроқда нима битарди? Аммо у бегона тупроқни қонн жўшиб турган тупроққа айлантириш ўзимизнинг қўлимизда. Деҳқоннинг бир мақоли бор. Сўз исботига шуни келтираман: «Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди», акалар....

Залки қулги, қарсак зириллатди.

Шундан кейин ер ўртасидаги олтмиш беш хўжаликдан иборат майда хуторларни қишлоқдаги янги уйларга кўчириб чиқардик. Колхозда янги уй тўйларининг кети узилмайдиган бўлиб қолди.

— Ҳаёт мураккаб-да, — дейди тебраниб, бармоғини қирсиллатар экан раис. — Бир ташвишни бартараф қилгач, нафас ҳам ростламасингдан иккинчиси бош кўтаради, гўё ҳо, ака, менчи?— деб кўзингга тикилиб туради. Карталарни яхлитлаштириб олдик, деб суюнсам, ер ўртасидаги тутлар қаққайишиб турибди. Сўнгги ўн йил ичида янги тут дарахтлари кўкартирдик. Илгаригисидан анча кўп. Барг бўлмаса, пилла қуртини нима билан боқамиз?

Ана шунақа, биринн тинчитсангиз иккинчиси даббай деб чиқаверади. Хуллас, қўнимингизни, ороминингизни олаверади. Муқим бедор туриш керак. Балки инсон шу билан тириқдир.

Раиснинг ҳаёли олисларда безовта кезарди. Ахир бу ишлар бир-бирига занжирбанд: бирини тортса, иккинчиси эргашиб чиқади: Пахтакор халқмиз. Собиқ чўлда шу қишлоқ пахта эвазига бино бўлди, бу ободлик пахтадан вужудга келди, одамлар бу ерга пахта етиштирамиз деб келиб ўрнашди. Аммо шу пахтани бераётган ер чарчаяпти.. Хўш, шу бир минг икки юз саксон гектарга яна неча йил устма-уст пахта экиш мумкин? У вилт билан касаллана бошлади. Агар аҳвол шундай давом этса, даволамаса, олти-етти йил, борингки, ўн йилдан кейин нима бўлади? У бизни жазолайди. Ҳосилни пасайтиради.

— Демак, ақалли 7/3 схемаси асосида алмашлаб экиш йўлига ўтиш чорасини ҳозирдан кўриш лозим. Қандай йўл бор? Ҳосилдорликни ошириб бориш ҳисобигами? Нима билан кўпроқ алмашлаш? Беда биланми? Маккажўхори биланми? Биласизми, Юнусали, 7/3 схемасида алмашлаб экишга ўтилса ҳам, сутчилик фермасининг ишини анча яхшилаш, бу тармоқни ҳам фойдали қилиш мумкин.

Кеча Каклай билан Жиянбу, Мавлуда ва Шаҳринисо каби сут соғувчилар билан маслаҳатлашдим. Сигир зотини яхшилашга кеч киришдик. Ем-хашак мўл бўлса, хўл бедадан босилган сенаж кўп бўлса, сигир тўйиб еса, шу сигир ҳам анча кўп сут берарди, дейишди.

Хўш, сиз нима дейсиз?

— Нима дердим, ҳал қилиниши зарур масала, — деди партком секретари Юнусали Юсупов.

— Демак, бор масъулиятни зиммага оламиз?

— Оламиз.

— Баракалла, — деди ранс. — Биласизми, буни йил охиригача тайёрлаш, коммунистлар ва правление аъзолари муҳокамасида пишитиш, мутахассислар фикрини олиш, бир-икки бригадада бирон йил синаб кўриш керак.

Улар кўзғалишди. Иккаласи ёнма-ён борарди.

— Кўнглимда улғая бошлаган яна битта масала бор, — деди раис йўлакай. — Биласизми, нима?

Юнусали хиёл тўхтаб унга тикилди:

— Йўқ.

— Қишлоғимиз яхши, уйлари кўркам, ўтган-кетган ҳавас қилади. Аммо кейинги вақтларда бундан менинг кўнглим тўлмай қолди...

— Нима? — партком секретари энди тўхтади.

— Нимага? Ҳамма гап ана шунда. Лойиҳа танлаганда тажрибасизлик қилган ва узоқни кўзламаган эканмиз? Ахир, йигирма-ўттиз йилда бу уйлар нурайди-ку?

— Йўғ-э!

— Кооператив асосида қурилган уйларнинг фундаменти йўқ, ҳатто кўриниши хунук, биз бўлсак, ўртоқ партком, индамабмиз, йўл қўйиб берибмиз. Ўзимиз қурган уйларнинг фундаменти паст. Тўғрими?

— Тўғри...

— Йўқ, гап тугагани йўқ, ўз-ўзини танқидин эндн бошлайман. Қулоқ солинг. Нимага ҳамма уйларимиз фақат уч хона?

— Тўғри, нимага уч хона-а?

— Ўз ишингдаги нуқсон ва хатони кўра билиш ҳам одамни олга ундайди. Менинг назаримда, бундан бўёқ қуриладиган уйларимизнинг фундаменти бир ярим икки метр, катта ва чуқур подволи бўлиши керак. Ундан кейин тўрт-беш хона, кенг ва баланд қилиб қуриш лозим, токи авлоддан авлодга қолсин, қалай?

— Жуда маъқул.

— Маъқул бўлса, буни ҳам правление ва партия йиғилишида муҳокама қилайлик. Ҳамма билсин, фикр берсин.

Ҳар қандай муаммо баҳамжиҳат ҳал этилади.

Суратда: (чапдан ўнгга) сут соғувчи Мавлуда Парпиева, зоотехник Мамадали Худойбердиев, бош экономист Муқаддас Ғуломов, бош агроном Холмамат Раҳимов, партия комитети секретари Юнусали Юсупов, бош инженер Икромжон Болтабоев ва механизатор Набижон Кенжабоев.

Ш. Осмонов фотоси.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

ТАРАДДУД

Октябрь райони мактабларидаги ремонт ишлари Жиззах областида биринчи бўлиб тугалланди. Парталар, шкаф, стол, стуллар, кўплаб кўргазмали қуроллар сифатли ремонтдан чиқарилиб, янги ўқув йилига шай қилиб қўйилди.

Дўстлик райони марказида, Фориш, Арнасой, Зарбдор районларида янги типовой мактаблар қуриб битказилди. Бу йил область территориясидаги 15 та мактаб илк марта ўқувчиларни ўз бағрига олади.

Н. МИРЗАЕВ.

ТАСС баёноти

Исроил раҳбарлари жаҳон афкор оммасига дағдаға солиб ва халқаро ҳуқуқнинг ҳамма нормаларини писанд қилмай, араб халқларига қарши бедодлик ва агрессияни тобора кенгайтирмоқдалар. Исроил ҳарбийларининг Ливандаги тинч шаҳар ва қишлоқларга ҳамда фаластинлик қочоқларнинг лагерларига қилган ваҳшиёна ҳужумлари кейинги кунларда шу жиноий агрессияни кучайтиришнинг янги босқичи бўлди. Исроилнинг бомбардимон қилишлари, осмондан, қуруқликдан ва денгиздан ўққа тутиши оқибатида ҳеч бир гуноҳсиз юзлаб кишилар, асосан аёллар, болалар ва кексалар ҳалок бўлдилар, минглаб киши жароҳатланди. Тобора кўп киши қурбон бўлмоқда. Ливан пойтахти — Байрут шаҳрининг ғарбий районлари айниқса шафқатсиз вайронгарчилик зарбаларига дучор бўлди.

Америка Қўшма Штатларининг мададини, бунинг устига унинг рағбатлантиришини сезиб турмаганда Исроил ўзини бу қадар сурбетларча ва разилона тутмаган бўлар эди. Айни Қўшма Штатлардан ажал келтирувчи қуроллар узлуксиз юборибб турилибди, Исроил бу қуролни Ливан аҳолисига ва Ливандан вақтинча макон топган фаластинликларга қарши ишлатмоқда. Шу билан бирга худди АҚШнинг ўзи Тель-Авивни ҳимоя қилишга, унинг араб мамлакатларига нисбатан агрессия ҳаракатларини оқлашга уринмоқда. Кэмп-Дэвидда арабларга қарши тузилган келишувдаги бошқа бир шерик — Миср раҳбарларининг позицияси ҳам Исроил агрессиясининг кучайишига кўмаклашмоқда.

Исроилнинг Ливанга қарши неча йиллардан бери давом этиб келаётган агрессив ҳаракатлари Кэмп-Дэвидда ўртага қўйилган мақсадларга эришишга — Ливан территориясида турган Фаластин қаршилик ҳаракати отрядларини тор-мор қилишга, Ливан ҳукуматини чўчитишга, уни Исроил билан сепарат битим тузишга мажбур қилишга ва Яқин Шарқдаги аҳволни ҳар томонлама одилона ҳал этиш истиқболини тағин ҳам орқага суришга урониб кўришга бевосита қаратилган.

ТАСС қуйидагиларни билдиришга вакил қилинган: Совет Иттифоқи Исроилнинг араб халқларига нисбатан яна агрессия ва террор ҳаракатлари қилганини кескин қоралайди. Совет кишилари ҳеч бир важсиз агрессияга дучор бўлган Ливан ҳукумати ва халқи билан, Фаластин қаршилик ҳаракати билан, ўзларининг ҳаққоний ҳуқуқлари ва манфаатларини қаттиқ туриб мардона ҳимоя қилаётган барча араб халқлари билан бирдамдирлар.

Агрессорга нисбатан БМТ Уставида кўзда тутилган энг қаттиқ халқаро жазо чоралари қўлланилиши лозим. Исроилнинг агрессияси ва унинг оқибатлари учун Исроил билан бирга унинг ҳомийлари ҳам жавобгар бўлишлари керак.

Уруш ёнғини кенгайиб кетиши хавфини тугатиш учун Исроилнинг Ливандаги агрессияси дарҳол тўхтатилиши лозим. Яқин Шарқда ўт билан хатарли равишда ўйнашишга чек қўйиш ва Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф этиш ҳамда бу районда ҳамма учун адолатли мустаҳкам тинчлик ўрнатиш йўлларини коллектив бўлиб ҳалол ўрганишга киришиш вақти келди.

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ҚАҲР-ҒАЗАБИ

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг баёнотида совет кишилари Исроил ҳарбийларининг суверен Ливан давлатига қарши қилаётган босқинчилик ҳаракатларидан қаттиқ ғазабланаётганлиги билдириб ўтилди. Исроилнинг ҳукмрон доиралари, дейилади баёнотда, халқаро ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларини сурбетларча поймол этиб, халқаро ҳамжамиятнинг қатъий талабларини назар-писанд қилмай, Ливан республикасининг тинч аҳолисини террор қилиб, унинг қонини тўкмоқдалар ва аслида бу республикага қарши эълон қилинмаган уруш олиб бормоқдалар. Ана шу босқинчилик хуружлари натижасида неча юзлаб киши ҳалок бўлмоқда, шаҳар ва қишлоқларда кўп жойлар вайрон қилинмоқда.

Исроилнинг Америкада ишлаб чиқарилган ва вайронгарчилик келтирувчи энг янги қуроллардан фойдаланиб, мудҳиш агрессия қилаётганлиги АҚШ маъмуриятини халқаро террор сиёсати ва практикасининг чинакам илҳомчиси сифатида яна бир марта фош қилиб ташлайди. Шу боисдан араб халқларининг, кенг халқаро жамоатчиликнинг қаҳр-ғазаби фақат Исроилга нисбатангина эмас, Вашингтон маъмуриятига нисбатан ҳам қаратилмоқда.

Совет кишилари Исроил ҳарбийларининг Ливан ва Фаластин халқларига қарши қилаётган жиноятларини қаҳр-ғазаб билан қораламоқдалар. Исроил ўтказиб келаётган террор сиёсати дарҳол тўхтатилсин, Ливаннинг ва бошқа араб давлатларининг суверенитети ҳамда территориал бутунлиги ҳурмат қилинсин, деб қатъий талаб этмоқдалар.

Баёнот халқаро демократик жамоатчиликни Исроилнинг Ливанда ўтакетган бебошлигини қоралаш кампаниясини кенг авж олдириш, араб халқларининг Исроил агрессиясига қарши ва Америка империализмининг Яқин Шарқдаги ҳарбий экспансиясига қарши олиб бораётган кураши билан бирдамликни мустаҳкамлашга, бу районда жуда хатарли кескинлик манбаини тугатиб, бу ерда яшовчи халқлар учун мустаҳкам тинчлик ва хавфсизлик бўлишини таъминлашга даъват этади.

(ТАСС).

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

КАСАБА СОЮЗ ЙЎЛЛАНМАЛАРИ БИЛАН

СОФИЯ. Ёз — отпуска вақти. Шу кунларда Болгариянинг касаба союз шифохоналари тўла кувват билан ишламоқда. Бу жойларда республиканинг минглаб меҳнаткашлари ҳордиқ чиқариб кучқувват тўпламоқдалар. Кейинги вақтларда оилавий дам олиш айниқса кенг тус олди.

Ўтган беш йилликда Болгария касаба союзлари 12 миллиондан кўпроқ меҳнаткашнинг дам олишини ташкил қилди. Бу — 1971-1975 йилларга нисбатан 4 миллион киши кўп дам олганини белгилайди. Ҳордиқ чиқаришнинг моддий базасини қайта қуриш ва кенгайтиришга 50 миллион левга яқин маблағ ажратилди.

«МХРДА ТАЙЁРЛАНГАН» МАРКАСИ БИЛАН

УЛАН-БАТОР. «МХРда тайёрланган» маркали хушбичим чарм пальтолар, костюмлар, камзуллар, чиройли пўстинлар, жун ва трикотаждан тайёрланган маҳсулотлар, бир қанча бошқа моллар социалистик мамлакатларда кўплаб сотиб олинмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси мамлакат халқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири — енгил ва озиқ-овқат саноатининг маҳсулотидир.

Энг замонавий серунум машина-ускуналар билан таъминланган шу тармоқнинг корхоналари ҳозир мамлакатдаги жами саноат маҳсулотининг деярли 40 процентини ишлаб чиқармоқда. Бу объектларнинг кўпчилиги СССРнинг ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг техникавий-иқтисодий кўмаги билан қурилган.

Монголиянинг ҳозирги —еттинчи беш йиллиги бу тармоқни ривожлантиришнинг кенг уфқларини очади. Қардош мамлакатларнинг техникавий-иқтисодий кўмаги билан республикада қуриладиган янги объектлар МХР аҳолисини саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан янада тўла-тўкис таъминлаш имконини беради, мамлакатнинг экспорт имкониятларини анча кенгайтиради.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАР — ЯХШИ КЎМАКЧИ

БЕРЛИН. ГДР сабзавотчилик-боғдорчилик кооперативлари ва уюшмаларида сабзавот ҳамда мева ҳосили қизғин йиғиштириб олинмоқда. Чекана савдо магазинларига ҳозиргача 43 минг тоннадан кўпроқ резавор мева , олма, сабзи, бодринг, рангли карам юборилди.

Ҳозир мамлакатда 670 мингтадан кўп боғ участкаси бор. Бу йил яна 17 минга мана шундай участка барпо этилади.

(ТАСС, 22 июль).

ВАШИНГТОННИНГ ТАЗЙИҚИ БИЛАН

ОТТАВА, 21 июль. (ТАСС махсус мухбири). Еттита энг катта капиталистик мамлакат раҳбарлари кенгашининг биринчи иш куни шуни кўрсатдики, Қўшма Штатлар ўз шерикларига қўпол тазйиқ ўтказиб, уларни Рейган маъмуриятининг Советларга қарши авантюрачилик стратегияси сиёсатига бўйсундиришга ҳаракат қилишдан қайтмаяпти. Учрашув қатнашчилари қабул қилган сиёсий баёнотда АҚШда авж олдирилаётган Советларга қарши ёвуз пропаганданинг энг сўнгги жазаваси тақрорланади. Баёнотни тузган кимсалар ўзларининг қуролланиш пойгасига қамчи босиш йўлини оқлаш учун «Совет ҳарбий хавфи» деган сийқа ҳавойи тезисни рўкач қиладилар. Улар очиқ-равшан кўриниб турган фактларга хилоф равишда Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашувига Совет Иттифоқининг ҳарбий қудрати гўё тинимсиз кўпайтирилиши сабаб бўлди, деб даъво қилмоқдалар.

Баёнотда Совет Иттифоқи билан «мулоқот ва ҳамкорликка тайёрлик» оғиздагина изҳор этилади. Аммо шуларнинг ҳаммаси Қўшма Штатларнинг Совет Иттифоқи феъл-атворига берадиган баҳоси билан «боғлиқ» қилиб қўйилади. «Қурол-яроғлар устидан мувозанатли ва текшириш мумкин бўлган контроллик ўрнатиш муҳимлиги» тўғрисидаги қуруқ сафсаталар ҳам шу қадар риёкорона янграйди. Стратегик қуролларни чеклаш тўғрисидаги Совет — Америка битимини ратификация қилишдан Совет Иттифоқи эмас, балки Қўшма Штатлар бош тортганлиги ва шу проблемага оид бундан буёнги ҳамма музокараларни мудом барбод қилиб келаётганлиги яхши маълум — бу нарсалар Оттава кенгаши қатнашчиларига, айниқса, яхши маълум.

Ҳужжатда «Афғонистон проблемаси» деган проблема яна рўкач қилинади. Кенгаш қатнашчиларининг «Кампучия халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи» тўғрисидаги гаплари ҳам риёкорона эшитилмоқда.

«Шато монтебелло»даги кенгаш қатнашчилари Исроилнинг Ливанга қарши қилган ва бутун дунёда ёппасига қаҳр-ғазаб қўзғатган янги агрессив ҳаракатларини пайқамасликлари мумкин эмас эди. Бироқ улар «кескинлик кучайганлиги ва зўравонлик ҳаракатлари давом этаётганлиги хусусида таассуф» билдирдилар, дарҳол исроилчилик агрессорни оқлаш ва аслида ҳимоя остига олиш учун ҳамма ишни қилдилар.

Валюта — иқтисодий соҳада АҚШдаги банк процентининг юқори ҳисоб ставкаси Ғарбий Европа мамлакатларининг экономикасига таъсир қилаётганлиги тўғрисидаги масала кенгашда муҳим ўрин олади. Мана шундай юқори ҳисоб ставкаси Ғарбий Европа мамлакатларида таназзулнинг чуқурлашишига ва ишсизликнинг кучайишига олиб бормоқда.

КОРХОНАЛАР ХОНАВАЙРОН БЎЛМОҚДА

БОННН, 21 июль. (ТАСС). ҒФР экономикасида мамлакат ташкил этилган вақтдан буён майда ва ўртача корхоналар кўп синмоқда, деб ёзади «Зюддойче цайтунг» газетаси. Шу йилнинг биринчи ярмида мамлакатда 5.500 та фирма синди. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 23,8 процент кўпдир. Саноатнинг қурилиш, тўқимачилик тармоқларида, шунингдек савдо-сотиқ ва хизмат соҳасида аҳвол аянчлидир.

ВАТАНПАРВАРЛАР МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ПАНАМА, 22 июль. (ТАСС). Гватемала ватанпарварлари реакцион ҳукмрон режимга қарши, мамлакатда демократия ўрнатиш ва озодликка эришиш учун курашни кучайтирмоқдалар.

Бу ерда олинган хабарларда айтилишича, қуролли халқ ташкилоти ва камбағаллардан тузилган партизан армияси мамлакатнинг шимоли-шарқида жойлашган Киче вилоятида бир қанча жанг операциялари ўтказганлар. Улар вилоятдаги бир неча аҳоли пунктларида ҳукмрон режим қўшинлари бўлинмаларига ҳужум қилганлар, Кичени мамлакатнинг бошқа районлари билан боғловчи йўлларни тўсиб қўйганлар. Ҳукумат қўшинлари ва полициячилардан 20 нафардан ортиқ киши қириб ташланган.

АВСТРИЯ АҲОЛИСИ

ВЕНА, 22 июль. (ТАСС). Ҳозирги вақтда Австрия аҳолиси 7.546.000 кишидан ҳам ошиб кетди. Кейинги ўн йил ичида аҳоли сони 90 минг нафар кўпайди. Шу йилнинг кўкламида аҳоли рўйхатга олинган эди, бу рўйхатнинг дастлабки якунлари шуни тасдиқлайди.

ХИТОЙДА СУВ ТОШҚИНИ

ПАРИЖ, 22 июль. (ТАСС). Хитойнинг Сичуань вилоятида давом этаётган сув тошқини натижасида 12 миллиондан знёд киши зарар кўрди.

Франс Пресс агентлигининг Пекиндан хабар беришича, Янцзи дарёси тошиб, Сичуань вилоятида ҳам, унга қўшни Хубэй вилоятида ҳам неча юзлаб аҳоли пунктлари, темир йўл ва тош йўллар, жуда катта экинзорлар сув остида қолган. Кўпгина корхоналар, гидротехника иншоотлари вайрон бўлган.

ПЕКИННИНГ ЭГРИ-БУГРИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ

«Международная жизнь» журнали мана шундай сарлавҳа остида С. Степановнинг мақоласини 1981 йил 7-сонида эълон қилди. Мақолада жумладан бундай дейилади:

«Катта сакраш» деб ном чиқарган машъум давр (1958—1960 йиллар) дан бошлаб ХХР тарихида иқтисодий сиёсатдаги турли-туман, кўпинча эгри-бугри йўллар содир бўлди. Социализм қурилишининг марксча-ленинча принципларидан воз кечган Хитой раҳбарлари ғараз-ғўйлик, гегемончилик ниятларига берилиб кетиб, қолоқ жамиятни қайта ўзгартиришнинг ўз, «хитойча модели»ни топишга уриндилар. Мана шу қидириш даврида сон-саноқсиз экспериментлар, ривожланишдаги кескин бурилишлар рўй бериб турди. Бу эса Хитой халқининг манфаатларига ва революцион ғалабаларига, мамлакат халқ хўжалигига жуда катта зарар етказди.

Хитойнинг биринчи беш йиллиги (1953—1957 йиллар) давридаги ютуқлар билан кейинги натижалар қиёс қилиб кўрилса, ХХР халқ хўжалигига етган нақд зиён яққол кўринади. Уша биринчи беш йилликда мамлакат СССРнинг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ҳар томонлама кўмагидан ва бой тажрибасидан самарали фойдаланган эди.

Журналда шу нарса таъкидланадики, Хитой аҳоли жон бошига миллий даромад яшлаб чиқариш жиҳатидан 1950 йилда Японияда 7 баравар, АҚШда 62 баравар орқада эди. 1955 йилда мана шу тафовут камайиб, ХХР бу кўрсаткич жиҳатидан Японияда 5 баравар, АҚШда 45 баравар орқада қоладиган даражага етди, аммо 1976 йилга келиб бу қолоқлик яна анча кўпайиб, Японияда 30 баравар, АҚШда 51 баравар даражага кўтарилди. Кўпгина энг зарур молларни истеъмол қилиш камайди.

Мао Цзэдунинг ўлимидан кейин Хитойда сезиларли ўзгаришлар содир бўлди, деб ёзади сўнгра журнал. Мамлакат раҳбарлари Маонинг кўпгина ички сиёсий концепцияларидан воз кечдилар. Бу гап аввало хўжаликни ривожлантириш соҳасига тааллуқли бўлди. Ташқи сиёсатга келганда Пекин ҳамон Маонинг гегемонизм, антисоветизм йўлига амал қилмоқда.

Кунделик ва истиқболдаги иқтисодий муаммоларни ҳал этишда халқ хўжалигини ташкил этишнинг бутун системасини реконструкциялашга муҳим роль берилмоқда. Экономикани бошқариш механизмини ислоҳ қилиш, майда товар ва давлат-капиталистик укладларини, хусусий корхона эгалигини қайта тиклаш вазифаси қўйилди. Хитойда ўртага қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун чет эл капиталидан кенг фойдаланишга уриниб кўрилмоқда. Кўпчилик хитойлик иқтисодчилар ва сиёсий арбоблар экономикани бошқаришда қиймат ва товар, пул муносабатлари қонунининг ролини анчагина ошириш зарур, деб ҳисобламоқдалар. Хитой назариётчилари «бозор социализми» деб аталган ва кўпдан бери маълум бўлган концепцияларга яқин фикрларни айтмоқдалар. Чамаси «бозор социализми» концепцияларига яқин ғояларни энг нуфузли Хитой иқтисодчилари, шунингдек мамлакат раҳбарлари ҳам қўллаб-қувватламоқдалар.

Кейинги йилларда Хитойда турли-туман ғайри-социалистик ва ярим социалистик хўжалик фаолияти формалари, давлат капитализмининг ва хусусий корхона эгалигининг баъзи бир нусхалари актив вужудга келиб, ривожланмоқда. Миллий буржуазия намояндаларининг «маданий революция» йилларида маҳрум бўлган кўпгина имтиёзлари қайта тикланди: уларнинг молмулки, пул омонатлари қайтариб берилди, уларнинг кўплари давлат ва жамоат ташкилотларида масъул лавозимларни яна эгаллай бошладилар, улар давлат ҳокимияти органларига ҳам кўтарилмоқдалар.

Хитой шаҳарларида майда хусусий сектор кенг миқёсда қайта тикланмоқда. 1980 йилнинг ўрталарида Хитойда 320 мингта якка корхона эгаси бор эди. Айни вақтда ХХРда майда товар укладининг ривожланишига қулайлик берадиган шарт-шароитлар яратилмоқда. Бундан ташқари саноат ва савдо соҳасида кооператив сектор тез суръатлар билан кенгаймоқда. Бу секторнинг роли бир хил бўлмаслиги мумкин. Социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари, давлат мулкчилиги формаси ҳукмрон бўлган тақдирда у мулкнинг социалистик формаси бўлади ва янги жамиятни барпо этишда ижобий роль ўйнайди. Ҳозирги Хитойда, социализмнинг позициялари анча заифлашиб қолган бир пайтда хусусий хўжалик тенденцияларининг кучайиши кооператив мулкнинг тегишли равишда айнишига, унинг «коллектив корхона эгалиги» формасига айланишига олиб бориши мумкин. Бунинг баъзи бир нишоналари ҳозирнинг ўзидаёқ кўриниб турибди.

Қишлоқ хўжалигида ҳукмрон коллектив мулкчилик формасининг позициялари заифлашуви жараёни анчагина кучайганлиги қайд этилмоқда. Хўжалик вазифалари айрим хонадонларга тақсимлаб берилганлиги натижасида кооператив мулк бўлиниб кетмоқда. Бу иш ишлаб чиқариш бригадаларининг таҳминан 20 процентида тажриба қилинмоқда. Матбуотда ҳатто коллектив хўжаликларга қарашли бўлган қишлоқ хўжалик техникасининг хусусий кишиларга сотилиши ҳоллари эълон қилинди.

Хитой раҳбарларининг халқаро сиёсат майдонида империализм кучлари билан бирикиб кетиши ёнига мустаҳкам иқтисодий ҳамкорлик ҳам тобора кўпроқ қўшилмоқда. Хитойда чет эл капиталининг кенг миқёсдаги иштироки билан «шериклик» корхоналарини барпо этиш режалари тузилмоқда. 1980 йилнинг охирларида Хитой «шериклик» корхоналари қуриш тўғрисида Ғарб фирмалари билан 300 тага яқин битим тузди. Чамаси «шериклик» корхоналари Хитойда қайта тикланаётган давлат капитализмининг асосий формаси бўлиб қолиши керак. ХХР капиталистик кредитмолия муносабатлари доирасига тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Шу пайтгача Ғарб мамлакатлари билан тузилган кредит битимларининг жами ҳажми 30 миллиард долларга етай деб қолди.

«Янги» иқтисодий сиёсатнинг тенденциялари ва дастлабки натижалари таҳлил этиб кўрилганда Мао Цзэдунинг ворислари маоизмга хос авантюризмга ҳамда ўз табиатига кўра принципиал жиҳатдан турлича элементлар қоришмасини қабул қилиб олишга бўлган мойилликни бартараф этишга эриша олмаганликлари маълум бўлди.

ХХР экономикасидаги аҳвол оғирлигича қолмоқда, баъзи бир жиҳатларда эса кейинги йилда бу аҳвол баттар мушкуллашди.

Хуллас, хўжалик юритишнинг алоҳида «хитойча моделлари»ни қидириб топиш йўлидаги урнишлар ҳозирча умидни оқламаяпти. Турли-туман иқтисодий концепциялардан пухта ўйламай қабул қилинган ҳар хил ғояларнинг қоришмаси хўжалик қурилишининг илмий асосланган назарияси ўрнини асло ола билмайди. Гегемонизм сиёсатидан, мамлакатни зўр бериб милитарлаштириш соҳасидаги кўп йиллик кампаниядан воз кечишгина, социалистик экономикани ривожлантиришнинг марксча-ленинча йўлигина Хитойни ҳозирги боши берк кўчадан олиб чиқиши мумкин, деб хулоса қилади журнал.

(ТАСС).

ЎЛКАМИЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

ДЕҲҚОН САХОВАТИ

Боғлар. Бир-бирига туташ боғлар. Мевасининг мўллигидан дарахтлар шохи ерга тегай дейди. Сермева шохларга ейри қўйилган. Шафтолизорлардаги ҳосилни айтмайсизми. Луччак шафтолилар ғарқ пишган. Боғбонлар ҳосилни теришяпти. Уларнинг қўли-қўлига тегмайди. Кўп ўтмай яшик тўлади. Боғбон Ғулом Мелибоев яшик-яшик шафтолини тележкага юклайди. Тележкалар пунктга ошиқади. Ҳамманинг фикри-зикри мўл ҳосилни нест-нобуд қилмай теріб олишга, шаҳарликлар дастурхонига вақтида, тезроқ етказиб беришга қаратилган.

Неъматилла Раҳматуллаев бригадаси боғларига ўтдик. Бригаданинг боғи, палмет олмазордан бошланади. Еш ниҳоллар шохи сим бағазларга бир текис таралган. Гуж-гуж олмалар худди новдаларга қўл билан терилгандек.

— Олмазоримиз етти гектар. Бу боққа асосан «Голден делишес», «Ташкентский боровинка» навлари экилган. Бу навлар серҳосиллиги, сершаралиги, мазаси билан фарқ қилади, — дейди бригада бошлиғи Неъматулла Раҳматуллаев.

Еш боғбон Неъматулла Раҳматуллаев академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги техникумни битириб бу совхозга ишга келганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Боғбончиликка меҳр қўйган Неъматулла мана уч йилдирки, бригадага бошчилик қилади. У шу даврда боғлар ҳосилдорлигини ошириш билан бирга уларни яшартиришга киришди.

Еш боғбоннинг меҳнатлари зое кетмади. Ҳозир бригаданинг 37 гектар боғи яшартирилди. Бу боғдаги дарахтлар йил сайин ҳосилдорлиги ошиб боришини, ҳосилга роса кирганида гектаридан 10 тонна ва ундан кўпроқ мева олиниши боғбон ҳикоя қилиб берди. Палмет ва пастак бўйли кўчатлар экилган боғларнинг қатор ораларига ишлов бериш, ҳосилини теріш ўнғайлигини айтмайсизми?!

Боғларга обиҳаёт тараётган сувчиларни учратдик. Осмон Иброҳимов, Мухтор Аҳмаджонов, Ҳусниддин Иброҳимов каби миришкорлар боғларни сўратон сувига қондиришга алоҳида эътибор беришяпти. Бу сув билан олмалар тўлишса, иккинчидан новдалар серавж бўлади. Авжи яхши бўлган ниҳоллар келаси йил мўл ҳосил беришини деҳқонлар яхши билишади.

Совхознинг Жумабой Элмўродов, Исмоил Абдурахмонов, Умар Алиев бошлиқ бригадалар боғларида иш ҳар қачонгидан қизғин. Деҳқонлар ўртаки меваларни теришяпти. Тоқзорларда боғбонлар чиллаки ва ўртаки узумларни узиб, яшикларга жойлашяпти. Кечки узумларни хомток қилиш, боғлар қатор ораларига ишлов бериш сингари ишлар ҳам уюшқоқлик билан давом этмоқда.

Совхознинг барча бригадаларида янги боғларни учратдик. Бу боғлар кейинги уч йилда ташкил қилинган. Дастлабки йили экилган кўчатлар нишона берибди.

Калинин районидаги Гагарин номли боғдорчилик совхози миришкорлари боғларни яшартиришга жиддий эътибор беришяпти. Боғларга асосан серҳосил кўчатлар экилаётир. Шу кунгача 70 гектар боғ янгиланган фикримизнинг далилидир. Боғларни яшартириш босқичма-босқич давом эттирилаётир. Жарликлар, паст-баландликлар ҳисобига ерга ер қўшилаётир. Боғлар тамомила янгилангач, совхозда ҳозиргига нисбатан икки баравар кўп узум ва мева етиштирилади.

Порлоқ истиқболни кўзлаб меҳнат қилаётган боғбонларнинг бу йилги марралари ҳам чакки эмас. Улар эл дастурхонига 6 минг тонна мева ва узум тортиқ қилиш мажбуриятини олишган. Боғлар ва токзорларни айланар эканмиз, қўли гул боғбонлар шаҳарликлар дастурхонини ширин-шакар мевалар ва узумлар билан тўкин-сочин, маъмур этиш йўлида астойдил жонбозлик кўрсатиб ишлаётганликларидан — бўҳад мамнун бўлдик.

Ю. ЗИЕДОВ,

Тошкент области.

Суратда: совхознинг илғор ишчиси Насиба Мелибоева шафтоли теряпти.

Ф. Шарофиддинов фотоси.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Ҳамид Олимжон номли колхоз давлатга мева сотиш планини 160 процент адо этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 36 тонна кўп мева тайёрланди. Давлатга ширин-шакар ноз-неъматлар топшириш давом этмоқда. Чортоқдаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози, «Октябрь», «Москва» колхозлари ҳам давлатга мева топширишни авж олдириб юборишдилар. Чортоқликлар бу йил 28 минг 270 тонна сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун меҳнат қилмоқдалар. Сабзавотчиликка ихтисослашган «Ленинизм», «Комсомолобод» совхозларининг ишчи-деҳқонлари аҳолини карам, помидор, сабзи, пиёз билан таминламоқдалар. Районда ҳозиргача эл дастурхонига 4 минг тоннадан ортиқ сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди.

Наманган заминида етиштирилаётган мевалар, сабзавот маҳсулотларидан Москва, Байкал—Амур магистрали қурувчилари ва Ноқоратупроқ зонада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар ҳам баҳраманд бўлмоқда. Ҳозиргача уларга 600 тонна мева ва 250 тонна картошка, 500 тонна помидор, 1210 тонна карам жўнатилди.

А. НИЁЗОВ,

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги
Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
1981—82 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА
КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Инглиз тили, немис тили, француз тили, испан тили.

Ҳамма мутахассисликлар бўйича ўқиш муддати — 5 йил.

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА КИРУВЧИЛАР 2 ТА ЧЕТ ТИЛИДАН МАЪЛУМОТ ОЛАДИЛАР.

Институтда Ғарбий Европа ва шарқ тиллари бўйича таржимон-ўқитувчилар тайёрлайдиган группалар мавжуд.

Институтга кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар: ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ (ёзма ва оғзаки), СССР ТАРИХИ, ЧЕТ ТИЛИ.

Институтга кирувчилар ректор номига ёзилган ариза билан қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), характеристика меҳнат ёки колхоз дафтарчасидан кўчирма, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, соғлиғи ҳақидаги справка (286 форма).

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

АРИЗАЛАР 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 августдан 20 августгача давом этади.

Қабул комиссиясининг адреси: 700031, Тошкент шаҳри, Сапёрлар кўчаси, 11-уй.

СССР Давлат банкининг
ТОШКЕНТ УЧЕТ-КРЕДИТ ТЕХНИКУМИ
1981—82 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда СССР Давлат банки ва омонат кассалари учун қуйидаги ихтисослар бўйича ўрта маланали ходимлар тайёрлайди: ПУЛ МУОМАЛАСИ ва КРЕДИТ, ДАВЛАТ БАНКИДА УЧЕТ ВА ТЕХНИКА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МОЛИЯ ВА КРЕДИТ.

ЎқиЦ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Кундузги бўлимга 30 ёшгача бўлган эркак ва аёллар, сиртқи бўлимга эса ёшидан қатъи назар, тўлиқсиз ўрта ва ўрта маълумотлилар қабул қилинади.

Техникум кундузги бўлимида тўлиқсиз ўрта мактабни битирганлар учун ўқиш муддати — 3 йил, ўрта мактабни битирганлар учун 1 йилу 10 ой, сиртқи бўлимда эса 2 йилдан 4 йилгача.

Техникумга кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар: ТЎЛИҚСИЗ ЎРТА МАКТАБ БАЗАСИДА — рус тили (диктант), математика (оғзаки); ЎРТА МАКТАБ БАЗАСИДА — рус тили ва адабиёт (иншо), математика (оғзаки).

Дарслар ўзбек тилида олиб борилади. Ўзбек ва рус тилларидан иборат группаларга кирувчи маҳаллий миллат вакиллари тўлиқсиз ўрта ўзбек мактаби программаси ҳажмида рус тилидан имтиҳон ўрнига ўзбек тилидан (ёзма) кириш имтиҳони топширадилар.

Танланган ихтисоси кўрсатилиб техникум директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), район касалхонаси поликлиникаси врачи томонидан берилган медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (камида 2 йиллик иш стажига эга бўлганлар учун), меҳнат дафтарчасидан кўчирманинг сиртқи бўлимга кирувчилар ҳам топширадилар.

Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий билет ёки рўйхатга олинганлик ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА 8 ЙИЛЛИК МАКТАБ БАЗАСИДА АРИЗАЛАР 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: кириш имтиҳонлари 1—20 август; ўқувчилар сафига ёзиш 21—24 августгача; ўрта мактаб базасидаги группаларга ҳужжатлар 14 августгача қабул қилинади; кириш имтиҳонлари 1—21 август кунлари; ўқувчилар сафига ёзиш 22—24 август кунлари; сиртқи бўлимга аризалар 10 августгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 10—20 август кунлари, ўқувчилар сафига ёзиш 21—30 август кунлари ўтказилади.

Техникумга қабул қилинган ўқувчилар умумий асосларда стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, Киров райони, Далазор кўчаси, 29-уй (2, 25, 28-трамвайларнинг «Геологоразведка» бекати, 9, 51, 24, 60-автобусларнинг «Ғалаба боғи» ёки «Геологоразведка» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
14-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1981—82 ЎҚУВ ЙИЛИГА
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Сонли программа билан бошқариладиган станокларда ишлаш учун токарь-универсал саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, механика-ниғув ишлари слесари, электр пайвандловчи, фрезерчи, электр-монтажчи, металларни совуқ усулда қайта ишлаб қириш бўйича токарь-универсал, техника-контроли бўлими назоратчиси, счетли-ҳисоблаш машиналари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича электромеханик.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1—3 ЙИЛ.

8-10 синф ҳажмида маълумотли йигитлар ва қизлар қабул қилинадилар. Ўқиш муддати 3 йиллик группаларда ўқувчиларга ўрта-ҳунар техника билим юртини битирганлиги тўғрисида дипломлар берилади.

8-синф ҳажмида маълумоти ўқувчилар таълим даврида бепул байрам ва иш кийимлари ва 3 маҳал овқат билан таъминланадилар; 10-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар ойига 70 сўм миқдорида стипендия (электромонтажчи ва счетли-ҳисоблаш материаллари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича электр механиклардан ташқари) оладилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишланган иш ҳақининг 33 процента тўланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқи берадиган мажбурий иш стажисиз йўлланма оладилар.

Билим юртида техника ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик, фото тўгаклари, спорт секциялари ишлайди, Чорвоқ посёлкаси атрофида ёзги дам олиш зонаси бор.

Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, характеристика, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, справкалар: саломатлиги тўғрисида, турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан; 6 та фотосурат (3х4 см).

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 50 алоқа бўлими, Гёте кўчаси, 54-уй. (21-автобуснинг «14 билим юрти» бекати; 16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти» бекати).

ИНСОНПАРВАРЛИК, ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИКНИ ҚАРОР ТОПТИРИБ

XII МОСКВА ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ЁПИЛИШИ

21 июль куни пойтахтда тугаган XII Москва халқаро кинофестивали тараққийпарвар кинематографнинг инсонпарварлик, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик принципларига садоқатини намойиш этди.

Фестиваль экрани Леонид Ильич Брежнев Москва анжуманининг қатнашчилари ва меҳмонларига юборган табрикномасида қудратли, моҳият жиҳатидан демократик кино санъатининг юксак миссияси тўғрисида, эзгулик, адолат, озодлик, тинчлик идеалларини ҳимоя этиш, халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, уларнинг маънавий алоқаларини ривожлантиришдаги унинг муҳим роли тўғрисида айтган фикрларини яққол тасдиқлади.

«Россия» меҳмонхонасидаги марказий фестиваль залида улкан кино байрамининг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Унда беш қитъадаги юз мамлакат кинематографияларининг вакиллари қатнашдилар.

Йиғилиш аҳлининг қарсаклари остида конкурслар жюрисининг раислари Станислав Ростоцкий, Анатолий Алексин ва Леонид Махнач голибларнинг номларини бирма-бир айтдилар ва уларга фестиваль мукофотларини топширдилар.

Кинофестиваль ташкилот комитетининг раиси, СССР Кинематография давлат комитетининг раиси Ф. Т. Ермаш айтдики, Москва кўриги дўстона ишчанлик вазиятида, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик вазиятида ўтди. Фестиваль экранида намойиш этилган фильмлар ҳарчанд хилма-хил бўлмасин, улар авторларининг дунё ва инсон қисмати учун масъулият ҳисси билан бирлашган.

Нотиқ асарлари бугунги кинематографнинг олий ижодий даражасини акс эттирувчи лауреатларни самимий қутлади ва бўлиб ўтган фестиваль дунё тараққийпарвар киносини янги-янги ғоялар билан бойитади, деб ишонч билдирди.

XII Халқаро кинофестиваль ёпиқ деб эълон қилинади. Совет Иттифоқи гимни тантанавор янграйди.

Москва диёрида яна учрашгунча, хайр!

Л. БЕРНАСКОНИ,
И. ВЕКСЛЕР,
В. ЖАЛАГОНИЯ,
ТАСС мухбирлари.

МУКОФОТ МУБОРАК

Москвадан Тошкентга, таниқли наққош, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Комилжон Каримов адресига қуйидаги мазмунда табрикнома келди: «Абу Али ибн Сино туғилган куннинг 1000 йиллигига бағишланган кўргазманинг орнамент ёзувлари учун сиз СССР Бадиий академиясининг дипломи билан тақдирландингиз. Сизга сиҳат-саломатлик, янги ижодий ютуқлар тилаймиз. СССР Бадиий академиясининг президиуми».

Комилжон Каримов Тошкент амалий санъат экспериментал-ижодий комбинатида ишлайди. Мана бир неча йилдирки, у комсомол-ёшлар бригадасига бошчилик қилиб келаётир. Бригаданинг ўзига хос, оригинал ишлари республика жамоатчилиги томонидан зўр эътироф билан кутиб олинган экан, бунда биринчи навбатда Комилжон Каримовнинг хизматлари катта. Наққош ва у билан бирга ишлаётган ижодкорлар амалий санъатнинг ажойиб намуналарини яратишаётир. Бу маҳсулотлар Совет Иттифоқининг жуда кўп районларига, шунингдек, чет элларга юборилади.

Комилжон Каримов бригадаси аъзолари Тошкентдаги Ёшлар уйи, Ўзбекистон ССР Давлат цирки, «Ўзбекистон» теплоходи, Красноярск шаҳридаги «Баҳор» кафеси, Сочидаги «Ўзбекистон» санаторийси, Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Совет маданияти» павильони, СССР халқлари дўстлиги саройини безашда қатнашишган.

О. АПУХТИН.

Суратда: наққош К. Каримов иш устида.

А. НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИНИНГ МОСКВА ГАСТРОЛЛАРИ

ҲАҚИҚИЙ НАФОСАТ

Серқуёш Ўзбекистон, Тошкентдаги Алишер Навоий номли Катта театр ҳеч хотирадан чиқмайди. Чунки, менинг илк гастролим худди ана шу театрдан бошланганди. Бу театрда «Мис чавандоз», «Боғчасарой фонтани» каби кўплаб спектакларда етакчи партияларни ижро этгандим. Бу фақат гастролгина эмас, ижодий ҳамкорликдаги иш ҳам эди. Бу иш жараёнида мен республикалагина эмас, чет элларда ҳам ўз санъати билан катта муваффақият қозонган СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотлари лауреати, «Баҳор» ансамблининг етакчиси Муқаррама Тургунбоева, дунё халқлари рақсларининг ажойиб ижрочиси, театрнинг бош балетмейстери, СССР Давлат мукофоти лауреати, СССР халқ артисти Галия Измайлова каби самимий ва қадрдон дўстлар ҳам ортирдим.

Балетга эндигина илк қадамини қўйган, нозиккина қиз Бернора Қориевани ҳам биринчи марта ўшанда кўргандим. Унинг ҳар бир ҳаракатидан ёркин истеъдоддан дарак берувчи аллақандай ўзига хослик, индивидуаллик кўзга ташланиб турар эди. Унинг ота-онасига қизини Москва хореография билим юртига — дунёга таниқли, маҳоратли балет усталари етиштириб чиқарган балет мактабига ўқишга юборишни ташвиқ қилганларим ҳам эсимда. У билим юртида биринчи кунлардан бошлабоқ, классик балетнинг алифбосидан тортиб, то ўзининг тенгдошлари ўртасида ва устозлари олдида балерина сифатида катта ҳурматга сазовор бўлгунча қаттиқ меҳнат қилди.

Санъатимиз ўзига хос, мураккаб ижодий йўлга эга: у биздан ҳар куни тинимсиз меҳнат ва тартиб-интизомни талаб қилади. Биз худди мактаб болалари каби ўқишдан тинмаймиз, ҳаракатларимиз техникасини ошириш учун станкалар ва кўзгулар олдига шошиламиз. Техник жиҳатдан ажойиб ва муваффақиятли ҳаракатлар натижасидагина характерни ва туйғуларнинг ҳаққонийлигини яққол очиб кўрсатиш мумкин. Ҳаракатлар жилвланиб, ниҳоят, бир куни сенинг ҳам «елкаларинг, қўлларинг, бармоқларинг қуйлай бошлайди» ва томошабинлар ҳаракатларингни тинглайдилар. Баъзан ёшлар балет артистлигига адашиб кириб қоладилар ва ўзларини саҳнадаги образлар сифатида жуда кўп машаққатлар ва қисқагина қувончлар кутаётганини билмайдилар. Бернора Қориева эса гоят севимли ва билимли балерина. Мен томошабинларга гўзаллик бахш этувчи у яратган барча образлардан, репертуаридаги классик ва замонавий балетларнинг ажойиб ижросидан, деярли унинг ҳар бир чиқишидан чексиз баҳра оламан. Бундай юксак санъат халққа зарур эканлигини ҳис қиламан.

Мен Алишер Навоий номидаги Катта театрнинг гастроль спектакллари орасида композитор Родион Шчедрин ва балетмейстер, СССР халқ артисти, Ленин мукофоти лауреати Май Плисецкая яратган, постановкачилар Н. Риженко ва В. Смирнова-Голованова саҳналаштирган балетни томоша қилдим. Л. Толстойнинг «Анна Каренина» романи асосида ишланган бу саҳна асаридаги Анна Каренина образи Бернора Қориева талқинига тиниб-тинчимаслиги, туйғулар исёни ва бошқа ҳислатлари билан ғоят мос келади. Айниқса, Бернора Аннанинг образи ва фожиавий ҳаётини техник жиҳатдан — қалб туғёнларини ҳаракатларга омуҳталаштирган ҳолда ижро этган ва классик балетнинг юксак ижрочисига айланган. Бернора Қориева ижодида намоён бўлган юксак савиядаги совет балетини москвалик томошабинлар ҳаяжон билан кутиб олмоқдалар. Биз эса унга балет саҳнасида бундай ёркин образларни кўплаб яратишида муваффақият тилаймиз.

Ранса СТРУЧКОВА,
СССР халқ артисти, профессор.

Москва.

БУТУНИТТИФОҚ ЎҚУВЧИЛАР СПАРТАКИАДАСИ

ЧЕМПИОНЛАР ВА СОВРИНДОРЛАР

ВИЛЬНЮС (Жамоатчи мухбиримиз Ш. Муҳаммаджоновдан телефон орқали). Мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ Спартакиадаси баҳслари ниҳоясига етай деб қолди. Ўқувчилар ҳозир спортнинг 11 тури бўйича чемпионлик учун курашмоқдалар. Республикамиз вакиллари орасида Спартакиада чемпиони номига сазовор бўлганлар сафи кенгайиб бормоқда. Бугунгача ўзбекистонлик 11 ўқувчи ғолиблик супасига кўтарилиб кўксига олтин медаль тақди. Кумуш ва бронза медали совриндорлари ҳам ўнтадан ошиб кетди.

Фарғоналик енгил атлетикачи Любовь Кирюхина республика медалар жамғармасини янада бойитди. У 400 метрга югуришда кумуш медалли бўлган эди. Кейин 800 метрли масофани 2 минут 2,59 секундда босиб ўтиб зафар қучди. Моҳир югурувчининг бу муваффақияти Спартакиаданинг янги рекорди эди. Унинг командадоши Сергей Усов эса 110 метрли масофага тўсиқлар оша югуришда Спартакиаданинг кумуш медали совриндори бўлди. Спортчиларимиздан Игорь Фокин 200 метрга югуриб маррага учинчи бўлиб келди. Енгил атлетикачиларнинг тўрт кунлик курашидан кейин умумкоманда ҳисобида республикамиз вакиллари бешинчи ўринни эгаллаб туришибди.

Самарқандлик Андрей Якоб МП-3 мешқи бўйича нишонга олишни ўрнига қўйди. Моҳир мерган 300 имкониятдан 280 очко жамғариб ёшлар ўртасида Бутуниттифоқ рекордини ўрнатди ва Спартакиада чемпиони бўлди. Боксчи ва волейболчилар ҳам муваффақиятли куч синашмоқдалар. Футболчи ва шахматчиларимиз 7-ўринни эгаллашди. Ватерполичлар олтинчи бўлишди.

БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ҒОЛИБЛАР

● ЧИМ ХОККЕЙ. Фарғонанинг «Химик» командаси Самарқанднинг «Пишчевик» коллективини қабул қилиб (5:0, 2:0) ўз мавқеини яна мустаҳкамлади.

● БЕШКУРАШ. Москвада давом этаётган СССР чемпионатида шахсий ҳисобда ўзбекистонлик В. Васильев билан С. Степинлар учинчи ўринни эгаллаб туришибди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.45 — Концерт. 11.20 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Илмий-оммабоп фильм. 15.35 — Рус тили. 16.05 — Болалар учун фильм. 17.20 — Подмосковье учрашувлари. 17.55 — Универсиада — 81. 18.15 — Ҳўжалик юритишнинг ленинча мактаби. 18.55 — Универсиада кундалиги. 19.10 — Дунё воқеалари. 19.25 — Концерт. 19.55 — Матонатли кишилар. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол. «Зенит» — «Динамо» (Тб). Танаффусда — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Темур ва унинг командаси. Бадиий фильм, 2-серия. 12.35 — Республика болалар қўшиғи байрами. 13.45 — Буни ҳамма билиши ва ундалаши керак. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ешлик. 19.00 — Ҳаёт наби тирик. 19.30 — Футбол. «Пахтакор» — «Торпедо». Танаффусда — Ахборот. 21.15 — Ахборот. 21.30 — Время. 22.05 — Турмуш ва маданият. 22.35 — Саҳна усталари. СССР халқ артисти Наби Раҳимов.

II.

18.40 — Болалар учун фильм. 18.50 — И. Ильинский туғилган кунинг 80 йиллигига. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Концерт. 20.55 — Математика.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Н. Нарзуллаев шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 9.35 — Ленин, партия ҳақида куйлаймиз. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Социалистик мусобақа пешқадамлари. 14.00 — Сабзавотчилик саноат негизида. 18.15 — Ешлик. 19.20 — Мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ XVI Спартакиадаси кундалиги. 19.30 — Чанг тароналари. 20.30 — Футбол. «Пахтакор» — «Торпедо». 21.15 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.25 Саратов қўшиғи. Раднокомпозиция. 21.45 — Куйлар. 22.30 — Сиз ёқтирган қўшиқлар. 23.15 — Дам олиш концерти.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги аппаратининг коллегияси, партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон ССР маориф министрининг ўринбосари И. К. Раҳимовга онаси

Умринисо Тошмуҳамедовна РАҲИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Социал-таъминот министрлиги Иттифоқ миқёсидаги шахсий пенсионер, 1918 йилдан КПСС аъзоси

Абдуқодир МУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-18; иллюстрация — 32-57-22; стенографистка — 33-73-43; бўлим — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро

Р. 03059. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 170.